

Шахримизда бунёдкорлик ишлари тобора авж олмоқда. Буни Тошкентимиз кўчалари ва маҳаллаларини кезган киши аққол сезади. Айниқса, Юнусобод ҳамда Эски шаҳарнинг Шайхонтоҳур ва Собир Раҳимов туманлари ҳудудларида бу борада диққатга сазовор ишлар қилинмоқда.

Яқинда биз Қорасарой — Абдурахмонов чорраҳасидан ўта туриб бу ерда фойдаланишга топширилган замонавий бинолар орасида яна иккита янги уй қад кўтарганининг гувоҳи бўлдик. Янгилик билан таъиниш мақсадида қурилиш майдони томон йўл олдик.

72 оилага мўлжалланган шинам уй деярли тайёр. Иккинчиси эса сўнгги пардоз юмушлари олиб беришмоқда. Учаска қурилиш бошлиғи Тошпўлат Норкуловни шу ерда учратиб, суҳбатга тортидик. — Бизнинг йирик ҳажмли блокли тажриба уйсозлик комбинатида қарашли 3-конвейерли қурилиш бошқармаси бир неча йилдан бери ушбу маъзилда бунёдкорлик ишларини олиб боради. Биринчи марта бу ерга келганимизда ҳудуд эски тартибдаги уйлاردан эндигина ҳоли этилган бўлиб, ўнқир-чўнқир майдонлардан иборат эди. Ушундан қурувчилар бир йўла иккита тўққиз қаватли уйнинг пойдевори ни тиклашга киришдилар. Иш қизигандан қизиб кетди. Кўп ўтмай янги уйлар буй кўрсатиб қолди. Учаскага қурилиш ашёлари пешма-пеш етказиб турилди. Хуллас уюшқоқлик билан қилинган меҳнат ўз самарасини кўрсатди. Ҳар иккала уй тўққиз ой ичида тўла қўлдан чиқарилиб фойдаланишга топширилди. Бугун эса янги бинолар сони яна иккитига кўпайди.

— Янги уйлари қачон фойдаланишга топширасизлар, — сўраймиз участка бошлиғидан.

Қурилиш

ЯНГИ ЙИЛНИ — ЯНГИ УЙЛАРДА

— Шу ҳафта ичида, — дейди у. — Ҳозир иккинчи бинода пардоз ишларини яна уч кундан кейин тугаллаймиз.

Демак эски шаҳарликлардан яна 144 оила янги йил арафасида замонавий муҳташам уйларида ҳовли тўларини нишонлашади.

Юнусобод туманининг 2 мавзесида 70 оилага мўлжалланган бино ва унинг ёнида қад кўтарган 36 хонадонли уйда ҳам бугун шодиёна. Гарчи бахтиёр оилалар янги уйларининг дастлабкисига кўчиб келганларига икки ойдан ошган бўлсада қўшимча бино хоналари эса бугун оилалар билан тўлапти. Ҳозиргина кўч-кўрон орттилган машина кабинасидан тушган кишидан ўзини таништиришни илтимос қилдик.

— Тошкент «Агрегат» ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлайман, — дейди Тоҳир Ваҳобов. — Кичик оиламиз билан эски уйда яшардик. Шароитимизни ҳисобга олиб бизга янги бинодан уч хонали уй беришди. Биздек оддий ишчилар учун яратилган бундай қўлайликдан бениҳоя миннатдоримиз.

— Инсон учун энг зарур нарсаси бу — бошпана. Ҳукуматимиз бекорга ҳам «Ўзуйжойкамгабанк»ни ташкил этмади. Мана шу йўналишдаги Президентимизнинг Фармонлари тўғрисида қисқа муддатда озмунча оилалар уй-жойли бўлишдики? Биз ҳам уша бахтиёрларнинг биримиз, — дейди бизга меҳнат кексаси Собир ота Хасанов.

Унинг тақлифи билан ичкари кирдик. Тўрт хонали уйда истикоматчилар учун ҳамма қўлайликлар ҳисобга олинган. Паркетли пол, хали бўёқлари қотиб улгурмаган эшик ва ромлар, деворларга ёпиштирилган махсус гулқозлар хоналарга ўзгача ҳусн бағишлаб турибди.

Ҳовлида бино қурилишига бош-қош бўлган Фасхиддин Муродовни учратдик. У ишлаган 2-қурилиш бошқармаси «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг 1-уйсозлик комбинатида қарашли экан.

— Бинони бир йил муддатда қуриб битказдик, — дейди ишбоши. — Қурувчиларимизнинг аҳил ва иноқлиги тўғрисида режани анча олдин бажардик. Баёзлар вақтдан ютиш иш сифатида таъсир этмадимикан, деган ҳаёлга боришлари ҳам мумкин. Асло ундай эмас. Биринчи навбатда эътиборимиз сифатга қаратилди. Буни хонадон соҳибларининг сўзларидан ҳам билиб олиш мумкин.

Бинони бунёд этишда ўз касбининг усталари бўлган бригадалар қатнашди. Масалан пойдеворни пишиқ ва мустаҳкам бўлишида Тоҳир Шамсутдинов бригадаси фидойилик қилган бўлса, тиклаш ва пайвандлаш ишларида Николай Костенко ва Фуқрат Усмоновлар бош бўлган жамоа аъзолари иштирок этишди.

Бинога 1-пардозлаш бошқармаси вакиллари жило беришди. Сантехника юмушлари эса «Тошсантехникгазмонтаж» трести томонидан бажарилди. Янги йўлга кўчиб кираётган бахтиёр оилалар бугун ушбу қурилишда иштирок этган барча азамат қурувчилар меҳнатидан бениҳоя миннатдор бўлишяпти. Бу нарсаси уларнинг сўзларидан, ҳатто юзлариданги бир олам қувонч табассумларидан шундоққина кўриниб турибди.

Маҳмуд ОРИПОВ.

Тошкент китоб-журнал фабрикаси ишчи-хизматчилари ўз олдидариди вазифини чуқур ҳис этган ҳолда иш юртиб, аҳолини сифатли, кўрам ва дид билан тайёрланган китоб маҳсулотлари билан таъминлаш борасида тинмай изланмоқдалар.

Фабрика жамоаси айна кунларда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган 10 та нашриёт буюртмаси асосида иш юртади. Улар буюртмачиларнинг ҳар бир буюртмасини тез ва сифатли бажариб, ишончли оқламоқдалар.

— Корхонамизда ишнинг олға силжишида, албатта ишчи-хизматчиларимизнинг аҳиллиги катта аҳамият касб этади, — дейди фабрика директори Азимжон Рихсиев. — Жамоамизда 267 киши меҳнат қилади. Барча ўзининг вазифасини тўла англайди. Айниқса, бугунги кунда сифатсиз маҳсулот чиқариш ўзининг ҳамёнига зарар келтиришини, буюртмачилар сонининг камайишини ҳар бир ходим тўла тушу-

ниб етган. Меҳнатимиз самараси ишчиларимиз олаётган даромадларида ўз аксини топмоқда. Айни кунларда ўртача иш ҳақи 8 минг сўмдан ортиқни ташкил этмоқда.

Фабрикада республикамиз мактаблари учун чиқарилаётган дарсликларнинг 20 фоиздан ортиғи тайёрланади. Шунингдек, бадиий асарлар, таклифнома, корхона ва ташкилотлар учун варақалар ҳам нашр этилади.

меҳнат қилишади, — деди 35 йилдан буён фабрикада меҳнат қилиб келаётган тажрибали уста Холида Саримсокова. — Уларнинг ҳаммаси ўз ишини пухта ўзлаштириб олган. Шунинг учун бўлса керак жамоада доимо илғорлар сафидамиз. Малика Қамбарова, Қумри Аҳмедова, Муборак Мирзахўжаева сингари ҳарф терувчиларимиз нафақат ўз касбини эъзозлашади, балки ҳамкасбларидан маслаҳатла-

Саноат

МАҚСАД САРИ ИНТИЛИБ

Фабрика цехлари Россия ва Германиядан келтирилган дастгоҳлар билан жиҳозланган бўлиб, ишчилар ўз дастгоҳларини ҳамма ардоқлашади. Жамоанинг ҳарф териш цехида бўлганимизда бунинг гувоҳи бўлдик.

— Цехимизда асосан аёллар

рини аяшмайди, айниқса ёшларга ҳамма кўмаклашиб, уларнинг ҳурматини қозонишади. Шунингдек, босма, муқова цехларидаги баракали меҳнат ҳам ишчиларнинг ўз касбларига бўлган ҳурмат-эътиборидан далолатдир. Эндиликда улар ҳам халққа манзур бўладиган сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш билан яхши даромад олиш мумкинлигини англаб етдилар.

Китоб-журнал фабрикаси жамоаси томонидан шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида 80 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрланди. Маҳсулот тайёрлашдан тушган соф фойда эса корхона равақига ҳамда ишчи-хизматчиларга яхши шароит яратиш учун сарфланмоқда. Меҳнат таътили даврида ишчиларга соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун санаторийларга йўланмалар берилади, ҳар бир ишчининг фарзанди эса ёзги таътил даврида эътибордан четда қолмайди. Жамоа касабаси уюшма-



Таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш, таълим мазмунини янгиллаш, янгиликларни амалда қўллаш борасида республикамизда бир қанча ижобий ишлар бажарилапти. Бу ишларнинг барчаси «Таълим тўғрисида» ги Қонун ва қарорлар тайёрлаш тўғрисидаги миллий дастурга риоя қилинган ҳолда амалга ошириляпти.

Юқорида қайд этиб ўтилган қонун ва дастурлар бевосита Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан уйғунлашган ҳолда ишлаб чиқилган. Жумладан, Конституциянинг 41-моддасида «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир», дейилган. Дарҳақиқат, бугунги кунда республикамиз-

Таълим

САВОДХОН ЮРТ

да 9 йиллик бепул мажбурий таълим, ундан сўнг эса билим олишни давлат эътириши ҳоҳловчилар учун эса 3 йиллик академик лицейлар, касб-хунар, махсус ихтисослашган мактаблар фаолият кўрсатмоқда. Уларда ота-оналар фарзандларини ўқитиш қизиқишини инобатга олган ҳолда уларга хоҳлаган йўналишда ўқитяпти.

Ўқитиш жараёнилари ҳам замон руҳига ғамонан бўлган ҳолда компьютерларда олиб берилади. Мактаб ишлари давлат назоратида бўлганини тўғрисида илм даргоҳларидаги компьютерлар, хориждан келтирилган турли хилдаги ўқув жиҳозлари, умуман, барча моддий

таъминот давлат ҳисобидан қал этиляпти. Бундан қўзланган асосий мақсад эса келажакимиз бўлган ёш авлоднинг ҳар томонлама етук, баркамол ўсишини таъминлаш ва юрт келажакининг пойдеворини ҳозирдан мустаҳкамлашдир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «Давлат ва жаҳият етим болаларни ва ота-оналарининг вазийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди...» деган жумлалар ҳам қайд этилган. Шаҳримиздаги қатор меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болалардан 1230 нафарига «Наврўз» байрами арафасида Тошкент шаҳар ҳокими томонидан 2 миллион сўмлик кийим-кечак, қўрпа-ёстиқ жилди ва шу ўқувчиларга «Мустақиллик» байрами арафасида 8 миллион сўмлик кийим-кечаклар совға сифатида тортиқ қилинди.

Хукукий давлатимизнинг ғамхўрлиги, жумладан Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг ҳорий йилдаги қарорига асосан 42552 нафар 1-синф ўқувчилари (папка) ўқув қуроллари ва бошланғич синф ўқувчиларидан (1-4-синф) 23337 нафари киши кийим-кечак билан таъминландилар. «Таълим тўғрисида» ги Қонунда таъкидланганидек ўқитувчи ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда уларни маънавий ва моддий рағбатлантириш ишлари доимий равишда асосий вазифалар қаторида туради. Бу йил шаҳар таълим муассасаларида 24 нафар ўқитувчининг самарали меҳнати юқори баҳоланди ва улар давлат мукофотлари билан тақдирландилар. Буларнинг барчаси Қомусимизда белгиланган қордошларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини меvasидир.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи.

«ТУШ ДЕГАЧ ТУШЛАРИНГДА...»

Яқинда бир юмуш билан Хадрага бормоқчи бўлдим. 1-троллейбус депоси ёнидаги бекатдан 20-троллейбусга чиқдим ва кондуктор аёлдан «Хадрагача борадими?» деб сўрадим. «Ҳа» деб жавоб берди у. Мен билан бекатдан чиққан кишилар ҳам жавобдан хотиржам бўлишиб, ўриндиқларга жойлашдилар. Кондуктор аёл ҳеч қандай назардан қолдирмай бирма-бир чипта сотиб чиқди. Лекин икки бекат юргандан сўнг троллейбус ҳайдовчиси тўхтаб одамларни бирма-бир туширди ва ўтирганларга қараб, «Етиб келдик, мен энди паркка кетаман, қани, тез тушинглар», дея буйруқ берди. «Ахир биз чиқаётганда «Хадрагача борадими?» деб сўрадик, нега

ўшанда айтмадингиз?» жаҳлим чикди меннинг. Менинг гапимга бошқалар ҳам қўшилишди. Лекин ҳайдовчи пинагини ҳам бузмай «Бу катта холагнинг уйими, мен ҳар кимга жавоб бериб юрамани, туш дегач тушларингиз», деб қўпол жавоб қайтарди. Яна норози бўлиб гапирганларни эса куракда турмайдиган чапани суқишлар билан ҳақорат қилди. Йўловчилар норози оҳангда «Бошлигинга арз қиламиз», дейишганда эса «Қўлингдан келса ундан ҳам каттасига бормайсанми», деди-да троллейбусни ҳайдаб кетворди.

Мен «Тошкент темир йўллари» бекатида жойлашган нозимхона ходимидан сўриштириб бу ҳайдовчининг фамилияси

Соилов эканини билиб олдим, лекин исмини айтишмади. Троллейбус 1-троллейбус депосига қарашли экан. Мен ўйлаб-ўйлаб Соилов хизмат қилувчи депо раҳбарларига газета орқали мурожаат қилишга аҳд қилдим.

Сизларда ҳайдовчи йўловчиларга истаганча муомала қилсин, деган тартиб ўрнатилмагандир ахир?.. Соиловга ўхшаган бетартиб ва қўпол ҳайдовчилар муомала маданияти, хизмат вазифасини ўтаётганда йўловчилар билан қандай муносабатда бўлишни ўргатиш қийинмасдир. Ёки сизларда ҳайдовчилар ўзлари хоҳлаганча йўловчиларни ҳақоратлаш ҳуқуқига эгами?

НИГОРА ТОҲИРОВА,
йўловчи.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИПАР

Газетамизнинг 1997 йил 9 сентябрь сониде эълон қилинган «Ўзбошимча қурилишлар, болалар майдончасидаги гаражлар» сарлавҳали мақолада шахримизнинг баъзи ҳудуд истикоматчилари томонидан ўзбошимча билан қўп қаватли бино пешайвонлари бузилиб, қайта қурилишлар олиб борилаётгани, шунингдек, белгиланмаган жойларда, ҳатто болалар майдончалари ўрнида оқонуний гаражлар қад кўтараятгани танқид қилинган эди. Таҳририят ушбу мақола юзасидан Юнусобод тумани ҳокимининг ўринбосари А. Раззоқовдан қуйидаги мазмунда жавоб хати олди.

«Юнусобод тумани ҳокимлиги газетда чоп этилган «Ўзбошимча қурилишлар, болалар майдончаларидаги гаражлар» сарлавҳали мақола юзасидан кенг текширув ишларини олиб борди. Аниқланишича, унда келтирилган фактлар тўғрисида ишбанди. Чиндан ҳам, туманининг 18-мавзеси ва баъзи бир ҳудудларида жойлашган уй-жой бинолари пешайвонларида оқонуний қурилишлар олиб боришган. Белгиланмаган майдонларда гаражлар қад кўтарди. Туман ҳокимлиги ва бу ишга мусаввд бўлган ташкилотлар билан биргаликда ўзбошимча қурилишлар ва белгиланмаган майдонларда ўрнатилган гаражларни бузиб ташлаш юзасидан қатор тадбирларни белгиледи. Шунингдек, бу ишга мавзе оқсоқоллари, участка назоратчилари ва жамоатчи вакиллар ҳам жалб этилди. Уларнинг ёрдамида бугунги кунга туманининг 15, 18-мавзелирида ҳисобга олинган 206 та ўзбошимча қурилишлардан 143 та бузиб ташланди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасига «Тошкент оқшом» газетаси орқали йўлланган «Марказ-14» даҳасида жойлашган 10 ва 21-уй истикоматчиларининг мактубига ҳам бошқарма бошлиғининг ўринбосари Ф. Рустамовдан жавоб хати олди. Унда қуйидагилар баён қилинади:

«Ушбу мактуб шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасининг кенгайтирилган йиғилишида қуриб чиқилди. Унда кўтарилган муаммолар билан туманлардаги ободонлаштириш бошқармаларининг бошлиқлари яқиндан таништирилди. Чиндан ҳам мактубда баён этилган камчиликлар фаррошлар етишмовчилиги тўғрисида содир этилган. Юқорида кўрсатилган ҳудудга қарашли кўча ва йўлларда ўз вақтида тозаланмаган. Айни дамларда шаҳар кўча ва майдонларини белгиланган муддатларда супуриб-сидириб олиш учун 6 мингдан ортиқ фаррош даркор. Афсуски ҳозирги вақтда бу штатнинг тўртдан бир қисмигагина эгамиз. Шу сабабли фаррошларга қўшимча иш участкалар бириктириб берилган. Улар кенгайтирилган участкаларни ҳамма ҳам ўз вақтида супуриб тозалашга улғуришмаётди. Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси фаррошлар ишини яхшилаш ва «Марказ 14» даҳасида тозалик ва ободонлаштириш юмушларини кенг йўлга қўйиш юзасидан бир қатор тадбирларни ишлаб чиқди».

Шахримиздаги кўплаб тикувчилик цехлари бугунги кунда кичик-кичик корхоналарга айлантирилмоқда. Ана шундайлардан бири «Шохиста либоси» кичик корхонасидир. Бу корхонанинг раҳбари кўп йиллардан буён тикувчилик соҳасида ишлаган Шохиста Исахоновдир.

— Корхонамиз Чилонзор туманидаги Думбробод маҳалласига жойлашган, — деб суҳбатни бошлади Шохиста опа. — Бу маҳаллада кўпроқ маҳаллий аҳоли яшагани учун биз ҳам иш тизимимизни шунга қаратганмиз. Яъни, кўпроқ аёлларнинг ва эркекларнинг уй шароитида киядиган кийимларини тиклашга алоҳида эътиборни қаратганмиз. Бироқ тикувчиликнинг жуда зукко ва изланувчан бўлганликлари учун тикиш ишларининг турини яна кўпайтирдик. Эндиликда тикувчиликнинг нафақат ички кийим, балки аёлларнинг костюмлари, пальтоси, костюм-юбка, эркеклар учун чакмон, костюм-шима ва бошқа барча турдаги устки кийимларни буюртма асосида тикиб беришмоқда.

«ШОХИСТА ЛИБОСИ»

Маҳаллада бўлганимиз учун кўпроқ маҳалла аёлларини, келинларини, қизларни ишга жалб этаймиз. Маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси Назира Норбобоева бизга қийндан ёрдам бермоқда. Улар бизга иш ўрганишни ва ишлашни истаган аёлларни тавсия этади. Биз эса уларнинг иқтидорига қараб иш беришга ҳаракат қиламиз. Аёлларнинг таклиф ва мулоҳазалари ўрганилиб уйда ишлаш — қасанчаликни йўлга қўйдик. Ҳозирги кунда 8 нафар қасаначи аёл

уйларида ўтириб, имкониятларига қараб иш юртишмоқда.

Бундан ташқари биз тикувчиликка иштиёқи бор қизларимизни ўқитишга ҳам ҳаракат қилаймиз. Ҳўжалик ҳисобидида 3 ойлик курсимиз бор. Бу курсда ўқиган қизлар амалий машғулоти корхонамизда ўтказишади. Бу борада уларга Ҳафиза Отамухамедова, Нигора Рамазонава, Муяссар Хидоятвалар устозлик қилишмоқда. Раъно Саидова кўпроқ эркеклар костюмининг тикиш бўйича шуғулланади. Бу тикувчимиз бир кунда битта костюмни бичишдан тортиб то буюртмачининг қўлига етгунча бўладиган иш жараёнини бажара олиш маҳоратига эга. Унинг бу маҳоратини бошқа аёллар ҳам ўрганишмоқда.

Хулоса қилиб айтганда «Шохиста либоси» тикувчилик кичик корхонасининг буюртмачилари тобора кўпайиб бормоқда.

ГУЛИ АБДУЛЛАЕВА.



1997 йил 30 августда Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида» Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди. Натижада давлат органи, парламент қабул қилган қонунларни тайёрлаш тартиби белгилаб олинди.

Эндиликда у қонунчилик ташаббусига эга бўлган органлар ва шахсларнинг, шунингдек, Республика Президенти, Республика Олий Мажлиси, унинг Кенгаши, Республика Вазирлар Маҳкамаси тошхирига ёки тавсиясига асосан ёки ўз ташаббуси билан Қонун лойиҳалари устида ишлаётган вазирликлар, идоралар, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг фаолиятига таътиб этиладиган бўлди. Бинобарин, Қонун лойиҳаларини тайёрлаш демократик асосда, ошқоралик, жамоатчилик фикрини ўрганиш ва ҳисобга олиш асосида Олий Мажлис депутатларининг, сиёсий партия фракцияларининг, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг иштирокида амалга оширилади. Лойиҳаларни тайёрлашга илмий муассасалар, ўқув юрлари, олимлар, халқ ҳўжалигига тегишли тармоқларнинг мутахассислари жалб этилади. Энг муҳими янги Қонунда Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига қўйилиши мумкин деб қўрсатиб ўтилган.

Қонун яратувчилик бундан буён қуйидаги тўртта асосий йўналишлар бўйича истиқболга мўлжалланган режалар асосида қабул қилинади:

а) инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ҳамда демократик тамойилларнинг ҳаётга янада кенгрок жорий этиши;

б) давлат қурилиши;

в) бозор иқтисодиётини шакллантириш;

г) халқроқ муносабатларни ривожлантириш;

Биринчи маротаба бу Қонунда «Қонун лойиҳаларини тайёрлаш чоғида қонунчилик тизими ва принциплари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқроқ шартномалари ҳисобга олинади» деб қўрсатилди.

Қонунда лойиҳаларнинг сифатли бўлишини таъминлаш масаласи, Қонун ҳужжатларининг самардорлигини ўрганиш масаласига ҳам эътибор берилганлигини қўрамади.

Қонуннинг марказий бобларидан бири «Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини ташкил этиш», яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг лойиҳаларни

тайёрлаш борасидаги фаолияти муаммосига бағишланиб, унда Кенгашининг ваколатлари аниқ белгиланган. Унга қўра Олий Мажлис кўмиталари ва комиссиялар депутатларга лойиҳаларни тайёрлаш ишида қўмаклашди, зарур ҳолларда лойиҳаларни умумхалқ муҳокамасига қўйди, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг амалдаги Қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти ва унинг самардорлиги тўғрисидаги ахборотларни ешитишди, зарур ҳолларда қонун лойиҳаларини тайёрлаш юзасидан танлов эълон қилади.

Қонуннинг бир қанча моддаларида Олий Мажлис кўмиталари ва комиссияларнинг лойиҳаларни тайёрлаш борасидаги, Олий Маж-

Жамият

ПУХТА ВА МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР

лис депутатларининг лойиҳаларни тайёрлаш борасидаги, Вазирлар Маҳкамасининг лойиҳаларни тайёрлаш борасидаги фаолиятлари батафсил баён этилган. Бундай ҳол албатта, лойиҳаларни тайёрлаш ишини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа ваколатларини ҳам амалга оширишга мўлжалланган.

Лойиҳани тайёрлаш чоғида Қонун ҳужжатларини қўллаш амалиёти ва жамоатчилик фикрини ўрганиш масаласини қўриб чиқиш алоҳида қизиқиш уйғотди.

Олий Мажлис кўмиталари ва комиссиялари, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари Қонун лойиҳасини тайёрлаш чоғида, лойиҳа мавзуси бўйича амалдаги Қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётини ўрганадилар ва ҳисобга оладилар, жамиятнинг ҳуқуқий ҳаётдан тартибга солишга бўлган эътиёжини, Қонун ҳужжатларининг самардорлигига таъсир этувчи сабаблар ва шартларни аниқлайдилар. Қонун ҳужжатларини таъминлаштириш юзасидан давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг, меҳнат жамоалари ва фуқароларнинг тақлифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий муассасалар, олимлар ва мутахассисларнинг тақлифларини, шунингдек, жамоатчилик фикрини ўрганувчи бошқа воситаларнинг маълумотла-

рини умумлаштирадилар ҳамда улардан фойдаланадилар. Қонун билан тартибга солиш борасида бошқа давлатлар тажрибасини ҳисобга оладилар.

Лойиҳани тайёрлаш учун масъул бўлган орган томонидан у манфаатдор давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига, шунингдек илмий муассасаларга ва ўқув юрларига тақриз учун юборилиши мумкин, улар лойиҳа юзасидан ўз тақлиф ва мулоҳазаларини маълум қиладилар. Қонун лойиҳалари эксперт баҳолашдан ўтказилиши мумкин. Экспертиза Олий Мажлис кўмитасида, комиссиясида лойиҳа устидаги ишлар тугаллангандан кейин ўтказилади. Уни ўтказишга олимлар, амалиётчи ходимлар ва бошқа шахслар жумласидан бўлиши юқори маънавия мутахассислар жалб этилади. Экспертиза натижалари ҳулоса тариқасида тақдим этилади. Агарда ҳулоса салбий бўлса, янги комиссия ёки ишчи гуруҳи тузилади.

Қонунни қўллаш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларнинг (амалга киритиш тартиби тўғрисидаги — ҳужжатларнинг, ҳуқуқат ва идораларнинг норматив ҳужжат ва идораларнинг норматив ҳужжатлари ва шу кабиларнинг) лойиҳалари, илгари қабул қилинган Қонун ҳужжатлари қабул қилинган Қонун ҳужжатлари тегишли ўзгаришлар, қўшимчалар киритиш ёки бу Қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги тақлифлар, қоида тариқасида, Қонун лойиҳаси билан бир вақтда ишлаб чиқилади. Бу норматив ҳужжатлар янги Қонун қабул қилиниши билан бир вақтда ёки уни амалга киритгунча ёхуд у қабул қилингандан кейин мумкин қадар қисқа муддат ичида қабул қилинади.

Қонун лойиҳаларини тайёрлаш тўғрисидаги Қонунда Қонун мазмунига қўйиладиган асосий талаблар (лойиҳанинг мазмунини, тузилиши, унинг рекузитлари), Қонун ҳужжатини тартибга тартиқсиз қўллаш (Қонун самардорлигини ўрганиш мақсадида) баён этилган.

Булардан ташқари Қонунда яқунловчи қоидалар (қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини, лойиҳани асослаш, рўйхат) ҳамда Қонун лойиҳаларини Олий Мажлисда муҳокама этиш каби масалалар ҳам ёритиб берилган. Қонун шу йил 25 октябрдан бошлаб қуча кирди. Ўйлаيمизки, у ҳуқуқий, демократик давлат асосларини бунёд этаётган мамлакатимизнинг келгусидаги қабул қиладиган Қонунлари янада пухта, мукаммал бўлишида муҳим замин яратди.

Фарҳод ФАЙЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий судининг эксперти.

Кўргазмалар

МУСАВВИРЛАРНИНГ САМАРАЛИ ИЖОДИ

Ўзбекистон Бадий академиясида таниқли рассомлар — рангасвир яратиш устаси Ғофур Абдурахмонов ҳамда бадийий плакат санъатининг маҳоратли вакили Фаруҳ Кагаров асарларининг катта кўргазмаси очилди. Унда намоиш этилаётган, дилдан чиқариб қилинган меҳнатининг, изланишларнинг маҳсули бўлган тасвирий ижоднинг 200 дан зиёд сара намуналари, табарруқ 60 ёшларини қаршилаган ҳар иккала мўйқалам соҳибининг қарийб 35 йиллик самарали фаолиятини намоён этмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Бадий академиясининг фахрий дипломига сазовор бўлган, ўзининг ижоддаги муваффақиятли ишини устозлик қилиш билан узвий равишда қўшиб олиб бораётган Низомий номдаги Тошкент Давлат педагогика институтини «Тасвирий санъат» кафедрасининг доценти Ғофур Абдурахмоновнинг мўйбўк асарлари кенг қамровли, мазмундор, воқеабанд композициялар, портрет, натюрморт ва табиат манзараларидан иборат. Рассомнинг шакланган ижодий услуби — «дастхат» и ҳусусиятларини ёрқин ифодаловчи ана шундай ишлари сирасига «Фронтга қузатиш. 1941 йил», «Ҳосил байрами», «Туй», «Қўриқ», «Бобур портрети», «Амир Темур», «Аждодлар макони», «Хусайн Бойқаро портрети», «Куз неъматлари», «Натюрморт», «Наврўз» кабиларни киритиш мумкин.

Улар баъзан тиник, баъзан напармон, сержилван рангларининг ўзига хослиги, туслар мажмуининг асар мазмунини моҳиятига мос тарзда торттирилганлиги, тарх чизикларининг аниқ, пухталиги билан эътиборни тортиди, томошабинда нафосатга йўрилган таассуротлар уйғотди.

Ғофур Абдурахмонов юртимизнинг кўп гўзал худудларида, шаҳар, қишлоқларида, шунингдек, бир неча хоржиқ мамлакатларда ижодий сафарларда бўлган пайтларида



таассуротлари» ўзининг жозибалилиги билан ажралиб туради.

Графика санъатининг энг хозиржавоб ва кенг тарқалган соҳаси бўлиши кўп тармоқли плакат бўйича турли даражадаги бир қанча жаҳон миқёсидаги нуфузли кўрик-танловлар, кўргазмаларнинг совриндори

Ўзбекистон халқ рассоми Фаруҳ Кагаров ижодини кузатсангиз асарлари уч туркумга бўлинганини сезиб olasiz. Уларнинг асосий қисмини ижтимоий-сиёсий, бадийий плакатлар эгаллайди. Жамоат ишида фаол мусаввирнинг «Урушга йўл йўқ!» мавзусидаги, қора атом бомбасини рамзий тарзда икки қисмга бўлаклаб ажратиб турган оппоқ кабултур тасвири ифода этилган машҳур асари Бутунжаҳон тинчлик учун кураш ҳаракатининг тисмолига айилган қолангига, эътибор топангига кўп бўлган. Рассом ижодий фаолияти давомида жуда кўплаб мўйбўкки манзара, портрет намуналарини яратган, журнал, китоб, матбуот графикаси билан ҳам жиддий шуғулланган.

катта спорт!», «Тинчлик жамғармасига!», «ДИАЛОГ», «СҒИД», «Бакуват бўлишни истайман», «Биз осуда, бегубор осмонни истаймиз!» кабилар, айниқса, аҳамиятли мазмунларга эга. Улар ҳозирги замоннинг энг муҳим воқеалари, ижтимоий, сиёсий ҳаёт, экология, ахлоқ, тиббиёт, фан, маданият, маърифат соҳаларига оид долғали муаммоларга, шунингдек, ютуқларга нисбатан расмоннинг хозиржавоб, теаран нигоҳи, муносабати натижасида юзага келган ва таъсирчан бўёқларда, гўзал чизиларда бетакорроқ акс этган. Рассом асарларининг ифодавий тили ҳаммабоп, тушунарлидир. Чунки улар шаклан халқ амалий санъати анъаналарини муҳассамлаштирган, фақат Ф. Кагаровгагина хос ноёб услубда яратилган. Ана шундай сифатлар асарларининг мавзулари мазмунига ҳам сингдирилган умминсонийлик ҳусусиятини бруттирий қўрсатилишига хизмат қилганлиги билан қимматлидир. Ўзининг халқчилиги, миллийлиги билан бир-бирига ҳаммаҳанглик касб этган икки кўргазма тасвирий санъатнинг турли соҳаларида самарали ижод қилаётган тажрибали, устоз даражасига кўтарилиб обрў қозонган мусаввирлар фаолиятининг барча ибратли қирраларини тула намоён этади.

Баҳром ТОЖИЕВ,
рассом-санъатшунос.

СУРАТЛАРДА:
Ғофур Абдурахмоновнинг «Амир Темур», Ф. Кагаровнинг «Қуролланишга чек қўйилсин!» асарларидан кўчирма.

Миробод туманида жойлашган «М. Федорович номи шифохона» жамоасининг амалга ошираётган ишлари ибратлидир. Шифохонанинг республика миқёсида биринчилардан бўлиб давлат тасарруфидан чиқарилиб, жамоа қорхонасига айлантирилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Шу муносабат билан биз шифохона бош шифоқори, тиббиёт фанлари номзоди Зуннур Исмоиловга бир неча саволлар билан мурожаат этдик.

— Шифохона қачон ташкил этилган? Унинг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

— Менимча ҳар бир шифохонанинг энг олий мақсади оstonасига, қошига даво истаб келган беморнинг дардига илоҳи борича малҳам бўлиш, уни безовта қилаётган касалдан фориг бўлишга ёрдамлашиш, бор маҳорат ва тажрибасини ишга солишдан иборатдир.

Шифохонамиз 1926 йилда невропатолог, физиотерапевт олим Мстислав Маркович Федорович бошчилигида ташкил топан бўлиб, шу ўтган вақт давомида қанча қанча кишиларнинг умрига умр қўшиб, уларнинг соғлиқларини тиклашда қўмаклашди. Жамоа қорхонасига айланганимиздан сўнг асосий ишни кадрлар масаласига қаратдик. Чунки шифокор тажрибали ва ўз касбини севувчи бўлсагина одамларни ҳам севади, уларнинг дардини ҳам тушунади.

Шифохона 120 ўринга мўлжалланган бўлиб, неврология, терапия, андрология, гинекология соҳалари бўйича беморларни кундузги ва туниги стационатор ётоқларида ҳамда ихтисослашган физиотерапия бўлими — амбулаторияга қабул қилади. Асосий даволаш усули — бальнеофизиотерапия бўлиб 1920 метр чуқур манбадан қандарган хлорид-гидрокарбонат иссиқ маъданли сувга асосланган. Юқори босимли кислород, магний, ультраовуш, лазер нури терапияси ва ёруғлик нурилари билан даволаш, балчик аппликацияси, парафин-озокерит ҳамда электр токи билан даволашнинг кўп турлари кенг қўлланилади. Шифобахш бадантарбия, уқалаш-мануал терапияси, игна-рефлексотерапияси гнўхлар ва кимё дорилари билан бирга


ҳаракат қилдик. Бу ўз самарасини бермоқда. Ҳали бирорта ётоғимиз бўш қолгани йўқ. Бизга шифо истаб келган ҳар бир одамни аввал синчилаб текширишни йўлга қўйдик. Агар уни даволашга имкониятимиз етсагина қабул қиламиз, бўлмаса уларга йўл-йўриқлар кўрсатамиз. Шу билан бирга даволанаётган ҳеч қайси бемор шифокор назаридан четда қолмайди. Бўлимда беморларнинг тез ва самарали даволаниб кетиши аввало шу бўлим хизматчиларининг даромадларига ижобий таъсир қила-

— Шифохонамизда шифокор ва ҳамшираларнинг малакалари қай тарзда оширилади?

— Шифохонамизда 22 нафар малакали шифокор, 82 нафар ўрта тиббиёт ҳамшира республикамизнинг турли вилоятларидан ҳамда Ҳамдўстлик мамла-

Саломатлик

ОҚ ХАЛАТ — КЎНГИЛ ТИМСОЛИ



ташладик. Асосий мақсади шис эса инсонларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни ҳаммаша соғ қўриш, беморларга эса жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатишга эришишдир.

— Мустақил фаолият кўрсатаётганингизга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин ана шу давр мобайнида қандай ижобий ўзгаришлар юз берди деб ҳисоблайсиз?

— Биринчи навбатда тежамкорлик йўлларини ахтардик. Ҳам даромад берувчи, самарасиз воситалардан воз кечдик. Ҳуқуқат органлари ва банклардан қарз олмай, қорхона ва бошқармалар билан фуқароларни соғломлаштириш шартномаларини тузишга

ди. Ўзимизнинг ички имкониятларимиздан келиб чиқиб бир қанча тоифадаги беморларга қўлайлик ва имтиёзлар белгилаганмиз. Уруш қатнашчилари, Чернобил фожиясида иштирок этган шахслар, Қаҳрамон оналар ва барча II тоифа ногиронлари кундузги стационарда бепул, туниги стационарда эса 50 фоиз арзон нархда даволанадилар. Шу қаторда қорхонамиз муассасалари ва уларнинг оила аъзолари ҳам имтиёзларга эгадирлар. Биринчи қадамимизга баҳо берадиган бўлсак «Фуқароларнинг соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонунда қўрсатилган ҳусусий, нодавлат тиббиёт муассасалари сонини амалда яна-

катларидан келган беморларга хизмат кўрсатадилар. Албатта, улар беморларга нисбатан тиббий жавобгарлиқни қўқур ҳис этган ҳолда меҳнат қиладилар. Шу билан бирга шифохонадаги ҳар бир мулкни кўз қорачиқдек авайлаб-асрашга интиладилар. Ҳар кун ийиғилиб ўз вазифаларимизни режалаштириб оламиз, муаммоларни ҳал этишимиз. Шифокорлар ўз устларида тинмай ишлаш билан бирга малакаларини ҳам ошириб борадилар. Бунга шифохонамиз маблағ ажратди. Олий тоифали шифокор Мухтабар Қосимова, Раиса Камолова, невропатолог Венера Орипова, Севара Ишмухамедова, ҳамширалар-

дан Раъно Комилова, Райхон Мўминова, Гулнора Расуловаларнинг кўрсатган хизматларидан шифохонамизда даволанаётганлар мамнун бўлишмоқда. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, барча шифокор ва ҳамшираларимиз ўзларининг даво истаб келувчиларга ҳамда даволанувчиларга ширин муомаласи билан ҳам малҳам бўлмоқдалар.

— Шифохонадаги тиббий асбоб-ускуналар беморларни даволаш талабларига жавоб бера оладими? Жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатиш учун яна нималар қилиш керак деб ўйлайсиз?

— Шифохонамиз Германия, Австрия, Польша, Чехия, Ирландия ҳамда Россиядан келтирилган ва республикамизда ишлаб чиқарилган тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, уларни ҳодимларимиз тиббий муолажа вақтида моҳирлик билан қўллайдилар. Албатта, тиббий асбоб-ускуналаримиз беморларнинг дардан фориг этишда талабга жавоб бермоқда. Лекин бугунги техника таракқиёт дарида олимларимиз янги тиббий анжомларни кашф этмоқдалар. Бизнинг ҳам келгусидаги режаларимиз улкан. Ҳар бир бемор ётадиган хонани керакли жиҳозлар асосида дид билан безаш, хориждан талабга жавоб берадиган тиббий анжомлар келтириш, ҳодимларимиз сафига тажрибали, академик, профессорларни ишга тақлим этиш сингари мақсадимиз бор.

— Сизнинг фикрингизча, шифокор қандай бўлиши керак?

— Шифокор бу аслида беморнинг энг яқин масолаҳатчиси, бутун умид ундан. Шифокор албатта, инсонни севувчи, уни ардоқловчи, шу билан бирга ўз касбини ҳам севувчи, ҳам қадрловчи, одам танламайди, бемор дардига ҳақиқий малҳам бўлувчи одам бўлмоғи керак. Чунки у инсон ҳаётининг посбони, ҳар бир шифокорнинг устига илган оқ халати кўнгли, виждонини тисмоли бўлишини истардим. Кейин истардимки, киши ўз истаги билан шу ишга, шу касб эгаси бўлишга интиласина, у ҳақиқий шифокор бўла олади.

— Сизнинг фикрингизча, шифокор қандай бўлиши керак?

— Шифокор бу аслида беморнинг энг яқин масолаҳатчиси, бутун умид ундан. Шифокор албатта, инсонни севувчи, уни ардоқловчи, шу билан бирга ўз касбини ҳам севувчи, ҳам қадрловчи, одам танламайди, бемор дардига ҳақиқий малҳам бўлувчи одам бўлмоғи керак. Чунки у инсон ҳаётининг посбони, ҳар бир шифокорнинг устига илган оқ халати кўнгли, виждонини тисмоли бўлишини истардим. Кейин истардимки, киши ўз истаги билан шу ишга, шу касб эгаси бўлишга интиласина, у ҳақиқий шифокор бўла олади.

Сўхбатдош Шарифа ИЛЕСОВА.

Турмуш қоррақларидан

«УНИ ҚАРГАМАГАН ЭДИМ...»

рқ кун ўтгунча шу қутлуг ном — чиллалик аёл номин билан аталади. «Чиллалик аёлнинг ёнига қоронғуда бориб бўлмайди ёки унинг олдида ҳамма ҳам қиравермаслиги керак» деган гаплар бор. Айниқса, «Чиллалик аёл қарғамасин» деган ибора мазмунининг нақадар қучли эканини ўз кўзим билан кўрдим.

Турғуқонада тўрт аёл бир хонада ётар эдик. Орадан бир кун ўтибди бир-биримизни қариндошлардек яхши қўриб қолдик. Сабаби, тўрталамиз ҳам икки йўл орасидан янгигина қайтагандик-да. Яна бир сабаб, ҳаммамизнинг жисму жонимизда кечайтган орғиқ бир хил эди. Бир-биримизни авайлар, бир-биримизга илиқ сўзлар айтардик. Учтамининг қақалогимиз — ўғил, биттамининг қиз эди. Учаламиз хурсанд, биттаминг ғамгин эдик. Орадан уч кун ўтган бўлса-да қиз қўрган келинчақни сўраб ҳеч ким келмади. Уша битта келинчақнинг қайғусини ҳаммамиз бирдай тушунидик. У турни кутаётган эди. Биз уччаламизнинг эрмуши ўртоқларимиз келганда, деразадан дунёда тенги йўқ сўзлар дунёда тенги йўқ гуллардек бизга отилаётганда ва бу сўзларнинг уфорида маст бўлиб ухлаб ётганимизда уша келинчақнинг йиғисидан ҳаммамиз уйғониб кетардик. Чироқни ёқиб мумкин бўлмагани учун нимқоронғу хонада уни шивирлаб юпатардик.

Аёл йиғлаб-йиғлаб мендан узоқлашди...

Моҳира ҲОЖИАЛИ қизи.

Дунёдаги улуг зотларнинг барчасидан улуги бу — онадир! Дунёда улуг қўшиқлар кўп, дилбар қўшиқлар кўп, лекин энг буюғи, энг дилбери бу — алладир! Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллигига бағишланган мажлисдаги табрик сўзида шундай деган эди: «Она алласи фақат қақалоқнинг ором олиши учунгина айтилмайди, балки унинг воситасида боланинг кўнгил дунёсига миллий рух қиради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдакнинг жисми жонида илдиз қолдиради».

Мана шу муборак илдиздан кириб юрарди. Бир кунни десанг бола вужудида Ватанга бўлган, бошимда ўтириб алла айтаётган заминга, ўз авлоди-аждоди-га бўлган муҳаббат камолга етади. Ушбу муҳаббат асарлардан бери биргина мўъжиза — алла билан диллардан-дилларга кўчиб келмоқда.

Алла! Сени қандай таърифлаш мумкин экан! Алла дунёдаги барча тириклик сувларидан ортиқроқ меҳр-мурувват чашмасидир!

Алла янграганида ҳатто булбул кўмрлар ҳам лол қоладиган оҳанграбо қўшиқдир. Алла ибтидоси билан бўлган, интихоси йўқ эзгу тилаклар хазинасидир!

Алланинг тарихини ҳеч ким билмайди. Уни илк бор ким қўйлаган — ҳеч кимга маълум эмас. Лекин бир нарса маълум: уни илк бор ОНА қўйлаган. Она сўзларини битган. ОНА мусикасини басталаган! Оналар қўшиғи алла, оналарнинг ўлмас ижоди! То қўёш фалак токида кезар экан, то Ер юзюда аёл бир донга бўлса ҳам яшар экан, алла ҳам яшайверади.

Алла! Дунё бир айланиб келган чоғида ҳам ҳаёт яна сен билан бошланади. Чунки — алла инсон умрининг наврўзидир.

Алла! Гўдак унинг ҳаётбахш, қудратли сўзларини яхши билмайди. Тушунмайди. Лекин оҳангини сезади. Шу оҳанг унинг юрагига нурдек қўлади. Улғайганида эса дутору танбурнинг оҳангларига, хонандаларнинг хоншларига жон қўлоғини тутди. Балки ўша алла оҳанглариини излар? Ажаб эмас шундай бўлса. Бирок инсон алланинг оҳанглариини бир умр излаб ўтди. Чунки алланинг иккинчи нухси ай, муқобили йўқ. У ягонадир, ҳаётнинг ўзи кабидир.

Яна ҳам ажойиб бир ҳолат: ҳар бир она ўз алласини айтади. Ҳеч қулоқ тутганимиз шунга, ҳеч эшитганимиз? Агар дунёдаги барча аллалар ёзиб олиноса, уни китоб ҳолида чоп эттирилса, энг буюқ муҳаббат достони пайдо бўларди! Аммо алла юракларга жо бўлади, унинг дафтарлари юрак, яшаш жойи юрак, бунёд бўлиб, туғилдиган жойи ҳам юрак, оналар юраги!

Бир сафар дала бошида раҳматли Зойт буюни хаёл оғушида учратдим. Кўзларида жиндак нам. Гоҳ жилмади, гоҳ хўрсинади.

— Ҳа, отахон, бахай? — дедим кетмонга суяниб, — хўрсинишлар бозми?

Икковимиз деҳқончиликда ёнма-ён ишлаганимиз учун, унча-мунча гапларимиз отахонга оғир ботмасди.

— Бугун тўнгда турсам, келиним бешик тепасида алла айтди. Биласаним, болам, кўп йиллардан бери ҳовлимизда алла эшитилмаганди. Ўзи кўпдан бери онам раҳматли тушларимга

**Отининг Зойд қўйдим,
Ҳаммадан зиёд болам.
Ҳамманики гул бўлса,
Меники гулгун болам.
Аллаё алла...**

ОНА АЛЛАСИ



Чолнинг кўзидан уч-тўрт томчи ёш ажин босган юзларига юмалади. У қадок кўллари билан юзларини сийпалаб давом этди:

— Бугун сахарда келиним алла айтди. Худди онам тирилиб келгандек бўлди. Шукур, онам ўлмаган экан, деҳқонбой болам!.. Биласаним нима деб айтади. Қарагин-а:

**Кўзиларнинг серкаси,
Бувасининг эркаси,
Гул бешикнинг эгаси,
Бор-йўғнинг чечаси
Асал болам аллаё,
Шакар болам аллаё...**

Қалай? Ана шунақа бизнинг келин! Ўзини, ўзи бутун ҳовлимга осмондан файз ёғилдиё! Болани айтмайсанми, болани! Пиш-пиш ухлайди дегин! Маза қилди, неваринам...

Ушанда беш-олти яшар қизалоқнинг кўғирчоғини «оббў»лаб ухлатганига нима сабаб эканлигини англагандек бўлганман. Бу аёл зотиға табиатнинг юксак инъоми экан! Қиз болалар «муштдай» бошидан алла айтиб, улғаяр эканда! Қодир Оллох уларни она бўлишга тайёрлар экан!

Шундай қадим аждодимизнинг илк боласи билан туғилган, шундан бери ҳар бир бола билан қайта туғилган қадим, аммо энг навқирон қўшиқ Алладир!

Эй, муштдек қалбига бутун оламни сиғдира олган Она! Эй, дунёдаги энг меҳрли буюқ зот! Эй, душманнинг боласига ҳам кўкра-

дини тутиб, уни дўст қилган пушту паноҳ! Сен жаҳондаги энг қудратли муаллимсан. Сен айтган алла эса одам боласи ҳаётда биринчи тинглайдиган сабоқ, илк бор ўқийдиган муҳаббат, муруват, садоқат, ҳиммат китобидир. Сен айтадиган жонбахш қўшиққа бундан булак таъриф бериб бўлмайди.

**Бешикдаги кўчқорим,
Унсанг, тоғдай шунқорим.
Алла, болам, алла!
Юрагим мадори бўл,
Йигитлар сардори бўл.
Алла, болам, алла!
Дарёдаги кундуз — сан,
Осмондаги юлдуз — сан.
Алла, болам, алла!
Боглардаги булбул — сан.
Гулзорлардаги гул — сан.
Алла, болам, алла!**

1998 — Оппа йил

Мағрур йигит бу сўзларни эшитиб бошини эгиди... Алла — ҳаётдаги жаъми олижанобликларнинг боши, муқаддима-сидир, қулоғи азон билан очилган гўдак илк бор онаси товушини ажратиб олар экан. Шундай экан, онажонлар, келинчақлар, сингилжонлар алла айтнинг, болангизга. Озод диёримиз шу аллага бўлиб, яшнаб кетсин!

Аслида шу пайтгача оналар ҳақида яралган барча асарларни тарозининг бир томонига, бир томонига эса аллани қўйсак, барибир алла босиб кетарди! Чунки аллада ҳаёт мужассам. Аёл янги ҳаётнинг, келажакнинг — боланинг яратувчиси. Келажак эса ҳаммаша бетимсол, ҳаёл сингари эзгу бўлиши табиий. Алла!

Бугун у бешик, беланчақ тебратиб айтилган қўшиқ эмас. Бугун унинг парвози юксак. Кўз ўнгимда Она тоғлар қадар улғаяди. Одам эса гўдак қиёфасига келади. Она фақат алла айтаётгани йўқ. Гўё у серташвиш дунёга тинчлик, омонлик тиламоқда. Дунё эса бир лаҳза барча оқу қора ишлардан фориг бўлиб, киприкларини юммоқда.

Алланинг нақадар лазиз, азиз эканлигини яна бир қарра исботламайдики бу ҳол? Кечагина бешикдаги болага ором бағишлаган ҳаёт қўшиғи бугун олам узра таралмоқда. Барчани эзгуликка, яхшиликка, мурувватга чорламоқда.

Онажонлар! Ҳаётимизнинг кўрки, умримизнинг мазмуни бўлган аллангиз ҳамиша баралла янграсин. Бешик узра эгилган сарвдек қоматингиз толмасин. Шундай алла айтнингки, уни эшитиб кексаю ёш ўзининг инсон бўлиб яралганига шукр қилсин. Шундай алла айтнингки, овозингиз дунёдаги барча мудҳиш қуроқлар овозини босиб, қолиб музаффар янграсин! Шундай алла айтнингки, алласиз ҳаёт йўқлигини, у ҳар қачон ҳаётнинг боши эканлигини замину замон ҳис қилиб турсин!

Президентимизнинг ташаббуслари билан Оила йили деб эълон қилинган 1998 йилда юртимизнинг ҳар бир оиласида жондан азиз оналар алласи тиммасин, жаранглайверсин! Соғлом авлодларимиз камолга етаверсин! Бахту камолимиз, нурдек жамолимизда алла оҳанглари ялваланаверсин!

Темур УБАЙДУЛЛО.

Одобнома

ҚАЛБ КЎКИДАГИ ҚУЁШУ ЙЎЛДОШ



сурот, катта бўлганда ҳам унинг қалбига, виждонида алоҳида сақланиб қолади.

Фарзандларимиз шуни эсдан чиқармасликлари керакки, улар ота-онанинг ғам-хўрлиги билан қатта бўлиб, воёга етганлар, маълумотли бўлганлар, хунар ўрганганлар, ватанли, оилали ва бахтли бўлганлар. Аммо шундай фарзандлар борки,

ота-онанинг жонига оро қирмайдилар, уларга яхши қарамайдилар. Баъзилари бўлса уйлангандан сўнг бир ҳовлида туриб, қозон-товонини бўлак қилиб оладилар. Бу шармандалик эмасми? Кечалари ширин уйқусини бузиб, оқ сут бериб ўстирган, бутун борлигини сарф қилиб воёга етказган отани қадрламаган бундай фарзандлар бошқаларни қандай ҳурмат қиладую, жамиятга қандай фойда етказадилар? Айрим ёшларимиз ота-онанинг мансабига, давлатига ишониб ўқишга, меҳнатга бўйни ёр бермайди, фақат маишат, уйин-қулги, яхши кийинишни ўйлайди. Бунга баъзи ота-оналар ҳам йўл бериб қўядилар. Бу ҳол қандай оқибатларга олиб бориши маълум. Ота-она ўз фарзандларини ҳозирги кунини эмас, келажакни ўйлаши керак.

Шу ўринда шоир Мухиббий сўзларидан келтириб ўтишни маъқул деб топдик.

**Ақлим теранлиги отам сўзидан,
Қалбим равшанлиги отам кўзидан.
Мунчалар улғайиб ўсганим бари,
Отам меҳнатидан, ризку рўзидан.**

**Ота-она бу — қанотинг,
У билан муяссар лаззату-тотинг.
Ризосин излагин ота-онанинг,
Бўлмаса бўлганим ўтар ҳаётинг.**

**Азиз отам қалбим кўкида қуёш,
Онамчи шу қуёш ёнида йўлдош.
Қуёш йўлдошим барқарор экан,
Иқболим қулгану, муяссар бардош.**

Абдусаттор АБДУРАХИМОВ,
шифокор.

Маънавият илдимизининг нечоғлик чуқур эканлигига фурсат ўтгани сайин иймонимиз қомил бўлиб борапти. Бугун биз ажойиб хушбарга эга бўлиб турибмиз. Сўхбатдошим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг директори, филология фанлари доктори, Беруний номидаги Республика Давлат мукофоти соҳиби, профессор Тўра Мирзаев тўлиб-тошиб ҳикоя қиларди.

— Маънавият ҳалқ достони, тўла маънадаги қаҳрамонлик эпоси «Алпомиш»нинг 1000 йиллик тўйини ўтказиш ЮНЕСКОнинг 1999 йилги тадбирлар режасига киритилди.

Жаҳон халқларида қаҳрамонлик эпослари талайгина.

Гомернинг «Одиссея», «Илиада», ҳиндларнинг буюқ «Махабхорат», «Рамаяна», киргизларнинг «Манас» сингари достонлари бизгача ёзма равишда етиб келган. «Алпомиш» эса бахшидан-бахшига, тилдан-тилга, авлоддан-авлодга ўтиб, оғзаки қўйилган бизнинг асримизгача етиб келган.

Энди достоннинг «ёши»ни белгилаш қандай бўлади, деган савол туғилиши мумкин. Бунинг бир нечта шартлари бор десам тўғри бўлади. Аввало достонда қўйилган эпик довеликка эътибор берилсин. Сўнгра достонда сақланиб қолган халқона белгиларга, достоннинг эпик белгиларига диққат қаратамиз. Бу ўринда бахшиларнинг айтиш услубларидан ҳам четда қолмайди.

«Алпомиш» достони яратилган давр, макон ҳақида турли фикрлар мавжуд. Атоқли ўзбек шоири Ҳамид Олимжон 1937 йилда «Алпомиш» достонига ёзган сўз бошида у минг йил аввал яратилган деган фикрни ўртага ташлайди. Олим Жирмунский XVI асрда Бойсун беклигида яратилган, деган мулоҳазани айтиди. Боровков XIV асрда яратилган деса, ажойиб фольклоршунос олим Ҳоди Зариф ўз қарашларида мўғул истилосидан аввал Сирдарё бўйлари ва Орол кўли атрофида XI—XII асрларда яратилган деган фикрни олға суради.

Диллашув

«АЛПОМИШ»НИНГ МИНГ ЙИЛЛИГИ БЎЛАДИ

ЮНЕСКО шунга қарор қилди

«Алпомиш» достонидида тасвирланган воқеликка эътибор қаратайлик. Бир томондан унда феодализм жамияти куртаклари, ривожланган давлатчилик ҳолатлари кўзга ташланади. Иккинчи жаҳдан патриархат уруғчилик муносабатлари мавжуд.

Маълумки, Ўзбекистонда VI асрдан бошлаб феодализм юзгага кела бошлаган. Аммо бу ҳамма ерда бир текис намоён бўлмаган. Бухоро, Самарқанд сингари шаҳарлар атрофида феодализм кўпроқ шакллана бошлаган, айтиш чоқда патриарх уруғчилик ҳам буй кўрсатиб турган. Яна эпос қаҳрамонлари тақдирини, уруғ ва қабилаларнинг бирлашиши, ягона халқнинг ташкил топиши жараёни билан боғлиқ. Халқнинг ўз-ўзини англаши бутун бир ҳодиса сифатида юзга келади. Ҳозирги ўзбек элшунослари ва тарихчиларнинг шохадат беришига қўра ўзбекларнинг ягона халқ сифатида шаклланиши IX—X асрларда тўғри келишини ҳисобга олсак, «Алпомиш» ҳам айнан шу даврда яратилган дея оламиз.

«Алпомиш» достонининг биздаги мавжуд версияси X асрда Сирдарёнинг кули оқимлари ва Орол кўли атрофларида яратилган. Бунга олимлар қуйидаги тарихий воқеа ва ҳодисаларни асос қилиб кўрсатадилар. XIII аср тарихчиси Рашиддиннинг айрим маълумотларига қўра Сирдарё бўйида Сигноқ шаҳри яқинида Барчинкент деган шаҳар бўлган. Мўғуллар босқини даврида йўқ бўлиб кетган. Сирдарёнинг бир irmoғи ҳам Барчинсой бўлган. Бундан ташқари XIX асрдаги ҳарбий ҳариталарда кўрсатилишича Барчинкент Бойсун кўрғонини ҳам бўлган. XVII аср тарихчиси Абдулғози Баҳодирхон ўғуз элига беклик қилиб ўтган еттига алп қизлар ҳақида маълумот беради ва «Аларнинг иккинчиси Қармишбойнинг кизи, Момишбекнинг ҳалолу Барчинсулув эрди, анинг қабри Сир яқинидадир, кашинкор яхши гўмбаз эрур. Ўзбеклар уни Барчиннинг кук қонониси дерлар» деб ёзади. Ҳақиқатан ҳам XIX асрнинг охиригача Барчин гўмбазининг харобалари бўлганини эътироф этадилар. Мана шу узук-юлук маълумотлар ва ривоятларга асосланиб олимлар «Алпомиш» достони Сирдарёнинг кули оқимларида, дашти қипчоқ ва қадим Хоразмнинг худудларида қўнмакчи кўнғирот қабиласи орасида яратилганини қайд этадилар. Лекин «Алпомиш» достонидаги айрим мотивлар, унга асос бўлган сюжет ядроси жуда қадимий бўлиб, ҳатто эра-миздан олдинги даврларга бориб тақа-

лади. «Алпомиш»нинг 1000 йиллиги деганда биз яхлит миллий эпос сифатида у ёки бу этносга алоқадор шаклланиш даврини назарда тутамиз. Кўнғирот уруғи турли жойларга силжиши ва бир канча элатларнинг (ўзбек, қорақалпоқ, қозок) халқ сифатида шаклланишининг муҳим ўрини тутиши муносабати билан, унинг версия ва вариантлари ҳам юзга кела бошлаган. Раҳматли Ҳоди Зарифнинг фикрича ҳозирги Сурхондарёдаги Бойсун топоними кўнғиротларнинг бу жойда жойлашиши натижасида XVI асрларда юзга келган.

Энди достоннинг вариантлари хусусида. «Алпомиш» туркий халқлар ўртасида кенг тарқалган достонлардан биридир. Унинг ўзбек, қорақалпоқ, қозок, олтой версиялари бизгача этнос шаклида етиб келган. Татар ва бошқирд версиялари халқ эртақлари шаклида мавжуддир. XV асрда тўпланган ва ёзув билан муҳрланган «Китоби Дада Қўрқут» таркибидидаги туртинчи достони «Мамси Байрак» «Алпомиш» достонининг иккинчи қисми сюжетига ўхшаб келади. Ўзбек «Алпомиш» таъсирида XIX асрнинг иккинчи ярмида тожик халқи орасида ҳам достон кенг тарқалган. Эллигинчи йилларнинг ўрталарида Тошкент атрофида яшовчи тожик эртақчилари ва айтивчиларидан унинг турт варианты ёзиб олинган. Айни пайтда достон ўзбеклар орасида жуда кўп марта ёзиб олинганини таъкидлаш керак. 1922 йилдан ҳозирги кунгача достон 30 дан ортиқ халқ бахшиши оғиздан ёзиб олинган. Машҳур халқ бахшилари Фозил Йўлдош ўғли, Мухаммадқул Жомрот ўғли Пулкан, Берди бахши, Саидмурод Панов ўғли, Абдулла шоир, Умур шоир, Ҳайдар Бойча ўғли, Раззоқ бахши қозок ўғли, Тош шоир, Бўри бахши, Бўрибой Аҳмедов, Раҳматулла Юсуф ўғли, Қодир бахши Раҳимов каби ижодкорлардан «Алпомиш»нинг тўлиқ вариантлари ёзиб олинган. Бу вариантларнинг қўлеммалари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти фольклор архивига алоҳида-алоҳида сақлов бирикларидида сақланади. Улар орасида бадий мукамаллиги, образларнинг пухта ишланганлиги жиҳатидан Фозил Йўлдош ўғли варианты алоҳида ўрин тутди.

Маълумки, халқ достонларида наср билан назм алмашиб кетади. «Алпомиш» достони 13.715 сатрдан, насрий 345 бўлақдан иборат. Ушбу вариант 1978 йилда Лойқа қишлоғида Фозил Йўлдош ўғлининг уйида, Ҳоди Зариф раҳбарлигида уч ой давомида фольклорчи Маҳмуд Зарипов томонидан ёзиб олинган. Қўлемза салкам 1000 саҳифа келади. Унча, яъни 1922 йилда профессор Фози Юнус томонидан ҳам ёзиб олингани маълум. Аммо бу қўлемза сақланиб қолмаган.

«Алпомиш» достони турли тўпламлар, хрестоматияларда мунтазам чоп этиб келинади. 1939 йилда достон Ҳамид Олимжон томонидан қисқартирилиб, нашр этилган. Ҳамид Олимжон достон сюжетини тўла сақлаган ҳолда деярли икки қаварар қисқартирган, бироқ бадий жиҳатига таҳририй ўзгаришлар, қўшмачилар киритмаган. Бу ўз даври учун ҳам, фан нуктаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган ўзига хос нашрдир. Албатта, 1992—1993 йилларда «Алпомиш»нинг тўлиқ варианты икки жилдада нашр этилганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бошқа вариантлар хусусида: 1926 йилда Пискентда яшовчи Берди бахшидан маърифатпарвар Абдулла Алавий ёзиб олган. У 1961 йилда «Фан» нашриёти томонидан чоп этилган. Саидмурод Панов ўғли варианты эса «Одилхон» тўпламида нашр этилган.

Назаримда Пулкан шоир, Бекмурод Жўрабой ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Қодир Раҳим ўғли айтган вариантлар ҳам чоп этилиши зарур. Чунки ушбу вариантларнинг айтилиши, шакли, сюжетини бир бўлса ҳам, бадий хусусияти бошқа-бошқадир. Яна бир гап: «Алпомиш» халқимизнинг улуг маънавий мулки. Унинг ҳамма вариантлари қўз қорачидек сақланмоғи керак.

... Бахшининг қўли думбиро торларини чертади. Хирқироқ овозда сатрлар янграй бошлайди...

**Сен мени севгин Товкачим
Сен мени дегил Товкачим**
Даврада утирганлар унга маҳлиё: чой-чоёда, ош-ошда қолган. Бахши узининг маҳорати билан барчани сеҳр-жоду қилган эди. Ниҳоят бармоқлар тинди, бахши чуқур сўлиш олди: «Достон мана шу ерларда Пискенту қадим Элоқ деб аталган жойларда яратилган».

Бахши рост айтгандир. Балки ҳар ким Алпомишини меники деса не ажаб! Мингга кирган «Алпомиш»нингиз муборак бўлсин, азизлар!

Ғолиб МИРЗО.



Республика ўқувчилар саройида турли-туман санат тўғараклари иш олиб бормоқда. Айниқса, дуторчи қизларнинг чиқишлари тенгдошларини жуда қувонтиради.

СУРАТДА: дуторчи қизлар тўғараги аъзолари навбатдаги концертга тайёрланмоқда.

Равиля Альбеков олган суратлар.

Ишдан қайтаётганимда, метро бекатининг йўлагига гул ушлаб турган қизчага нигоҳим тушади. У ўтган-кетганларга қўлидаги чаман гулларни пуллашга ҳаракат қиларди. Бир куни улар икки нафар бўлиб қолишди. Қизалоқлар нари борса 5 ёки бўлмаса 6-синфда ўқишади.

Балки кимдир буни ишбилармонлик, оила ҳамёнига қўшимча даромад-ку, деб ўйлаши ҳам мумкин. Тўғри, ҳозир ким нимани хоҳласа қачон ва қаерда бўлишидан қатъи назар савдо-сотикча кенг йўл очилган. Тегишли солиқ тўланиб, керакли ҳужжат бўлса бас. Аммо шундай бўлса негадир хали мактаб ўқувчиси бўлган гул сотувчиларни гапга солишни ихтиёр этиб:

— Қизим, кун бўйи гул сотиб, қачон дарс тайёрлайсизлар? — деб уларни саволга тутдим.

Қизлар дастлаб каминани ҳам харидорлардан бири бўлса керак, дея апили-тапил чамангулни қўлимга тутқазишмоқчи бўлишди-ю аммо саволимнинг мазмунини англашиб дафъатан хушёр тортишди.

— Мен дарсимни аллақачон қилиб қўйганман, — деди шоша-пиша улардан бири мендан нигоҳларини олиб қочганча.

Хуллас, гапимиз қовшмади. Шу дам-

Муносабат

ҲАЁТНИНГ ЎЗИ ҲАКАМ

да қизларни мендан қўра, гул харид қиладиган йўловчилар қўзқитирадир. Аммо ҳадеб суриштиравершимдан безор бўлишиб, ҳатто гул сотишга рухсатлари ҳам борилигини шавъма қилишди. Бу билан яна бир бор шахсий меҳнат фаолиятини давом эттиришга ҳалақит бермаслигимни билдиришди.

Яқинда ҳамкасбларимдан бири дили хуфтон ҳолда хонага кириб келди.

— Эрталабки совукдан дийдираб қўчат ўтқазаётган гўдакларни кўриб, ачиниб кетдим, — дейди у аллақандай ўкинч билан. — Бу болакайлар ижарага ер олиб ишловчиларнинг фарзандлари. Мўмай пул топиш кўйига тушган ота-онаси тонг саҳардан болаларини далага олиб чиқаришди. Билмадим, бундай аҳволда уларнинг мактабда фанларни ўзлаштириши қандай кечадиган? Боз устига касалга чалиниши ҳам ҳеч гап эмас.

Дўстимнинг кўйингичани бор. Ҳозир шахсий томорқа ҳисобига кун кўраётганлар бисёр. Ижара пудрати билан шуғулланаётганларнинг сафи кун сайин ортиб бормоқда. Бундай ҳалол меҳнат қилиб, эл дастурхонини тўкин қилаётганларнинг қўлайиши қувончли. Аммо, бу масаланинг бир муҳим томонини албатта, ҳисобга олиш зарур. Кўпичина ҳали балогатга етмаган болалардан ортиқча фойдаланиш ҳоллари юз бормоқда. Албатта, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг оилага бирор-бир фойда келтиришидан манфаатдор. Аммо, бу ҳаракат ҳам метёрида бўлгани маъқул. Афсуски, айрим оилавий ижарачилар, ҳар хил ширкат аъзолари ўз зурриётлари кучидан иложи борица «унумли» фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Келажак авлод ҳақида беш қотириш ўз-ўзидан иккинчи даражага айланаётир. Бизнингча, айрим ота-оналар учун вақт борилигиде бола-лар меҳнати эвазига кўпроқ пул ортириш режаси тинчлик бермаётган кўринадир. Ваҳоланки, вояга етмаганларни бирор бир ишга жалб этиш қонун асосида ҳамда тиббиёт талаблари даража-сида ташкил этилмоғи лозим. Минг афсуски, ҳамма жойда ҳам бунга амал қилинапти, деб бўлмайди.

Болаларни жуда эрта пулга ўргатиш ҳам хавфли эканлигини бир сўз билан

ифода қилиш мушкул. Ўсмир то вояга етгунча ота-она қарамоғида бўлади. Шу боис уларга акча ҳар қадамда керак бўлавермайди, албатта. Айримлар ўз фарзандларининг эҳтиёжи билан ҳисоблашмасдан уларга ортиқча моддий эркинлик бериб юборишади. Бу эса камолот йўлида бўлган болакай дунёқарашига салбий таъсир кўрсатиши турган гап. Чўнтагидаги ортиқча пул ўсмирни дастлаб чекишга ўргатади. Сўнг ичишга ружу қўйдиради. Энг ачинарлиси, шу йўл билан яхши яшаш мумкин, деган нотўғри: тушунчанинг гўдаклар тасаввурини чуқурроқ илдиз отишига имкон яратилади. Кўпичина ана шундай пулга ўргатилган ўсмирлар жиноятга қўл уришадилар.

Бугунги кунда ўсмир меҳнатини тўғри ташкил қилиш, унинг жамиятимиз манфаати йўлига хизмат қилдириш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, йирик шаҳарларда ўсмирлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи муассасалар ишлаб турибди. Хизмат юзасидан 9-11-синф ўқувчиларининг бўш вақтидан унумли фойдаланиш маъқул. Улар фаолияти билан қизиқишга тўғри келди. Ўсмирлар ўз хизматини қарияларга, уруш ва меҳнат фахрийларига, ногиронларига, кўп болали оилаларга таклиф қилишаётгани аини муддао. Бажарилган иш учун маълум миқдорда хизмат ҳақи ҳам олинади. Бу хатти-ҳаракат қонунда белгиланганидек бажарилапти. Албатта, олинган иш ҳақи оила даромадига келиб тушмаса-да, ҳайтовур мактаб ўқувчисининг маълум эҳтиёжларини қондиришга имкон яратади. Масалан, шу йўл билан ўзи пул топган болалар музқаймоқ олиши, кинога ёки театрга бориши, зарур ўқув қуролларини харид қилиши мумкин.

Бундан ташқари йирик саноат корхоналари мактаб жамоалари билан ўзаро шартномалар тузишиб, юқори синф ўқувчиларининг бўш вақтидан унумли фойдаланиш йўлидаги имкониятларни қийдириб топишмоқда. Бир қатор билим даргоҳларининг юқори синф ўқувчилари дарсдан сўнг завод ва фабрикаларда бўлишиб, ўзлари бажара олиши мумкин бўлган юмушлар билан банд бўлишмоқда. Албатта, бунда уларнинг соғлиғи, қобилияти, қизиқиши ҳисобга олинаётир. Бажарилган иш учун маълум миқдорда пул тўлаш ҳам ўқилган. Бу янгилик ўқитувчилар ва уларнинг ота-оналарига маъқул тушмоқда.

Кейинги йилларда кўпчилик бир фикр — тарбияси бўш, мактабда ўқиши ёмон бўлган, оила ва билим даргоҳида шўх бўлган болаларни ҳунар билим юрталарига ўқишга юборилаётганини тез-тез тасдиқламоқда.

Шаҳар атрофига қатнайдиغان автобўсада икки ўсмирнинг чўнтагидан бир даста 25 сўмлик чиқариб, бир-бирига мактанаётганидан воқиф бўлдим. Улар айни шу чоғда бозордан қайтишгаётган экан. Томорқада етиштирилган маҳсулотларни пуллашиб, уйларига қайтишгапти чоғи. Муштарийининг ҳаёлидан шунга ҳам ажабланиш керакми, деган фикр ўтиши турган гап. Бундай ўйлаб қараса, болаларнинг барвақт ҳисобикитоб билан бош қотиргани аини муддао. Бундан давр талабига йўйса ҳам бўлади. Аммо, масаланинг бошқа томонини унутмаслик керак. Ишончим комилки, агарда шу чоғ улардан сен бугун қандай китоб ўқидинг ёки бирор фойдали машғулот билан шуғулланидингми, деб сўрасангми, ҳойнаҳой ижобий жавоб ололмайсиз. Энг ачинарлиси ҳам шунда-да! Биз ўзимиз ис-тамаган ҳолда фарзандларимиз кўмағида иқтисодий манфаатни ўйлаб, уларнинг маънавий камолотини бой бериб қўймаймизми? Бахтиёр, ҳали она сўти оғзидан кетмаган ўсмирлар катталарнинг «пул ўйини» аралашиб қўлишмаётганими?

Ўзимча шу хусусда мулоҳаза юритишга ҳаракат қилиб кўрдим. Афсуски, ҳар томонлама маъқул бўладиган яқиний фикр айтишга журъат этмадим. Чунки бу ерда ҳар ким ўзини ҳақ ҳисоблаши турган гап. Имомим комилки, бу муам-мон ҳаётнинг ўзи ҳал этади. Унинг ўзи-га хос қонунлари эса ким ҳақ, ким ҳо-ҳақ эканлигини ошкор қилишга қодир!

Ислом УСМОНОВ.



Халқимизда «Хунарли хор бўлмас» деган ибратли нақл бор. Устазодалар ўзларининг бетақор санъатлари билан ҳар бир соҳада ўрнак бўларли асарлар яратишади. Аммо Саидасрор Саидахороровнинг хунари тамомила бошқача: ганчорлик. Кўз олдингизга келтиринг. Шарқона гуллар уйилган, ҳар бир гул нафис қилиб бўялган уйда ўтирибсиз. Ана шу ганчор гулларни Саидасрорга ўхшаган қўли гул усталар яратишади. Саидасрор Саидахороровнинг қўли теккан бинолар шаҳримизда жуда ҳам кўп. Яқинда Миллий бог ҳўсинга хўсн қўшиб қад кўтарган Республика Олий Мажлисининг янги биносиде уста ва унинг шогирдлари фидо-корона меҳнат қилиб, ажойиб панжаралар, ганч уймакорлик ишларини бажардилар. Уни кўрган ҳар бир киши «Қўларингиз асло дард қўрмасин» дейиши шўҳасиз.

СУРАТДА: уста Саидасрор Саидахороров ўзи ясаган ганчин қандил билан.

Ибратнома

АҚЛИИ ХОТИНЛАР — ЭРЛАР БАХТИ

Бир йигит жуда ақли ва одобли қизга уйланди. У хотинидан жуда мамнун, уйларида галва, гавго йўқ экан.

Йигит бир кун дўстларининг хузурига борди. У ахлоқсиз одамларнинг хотинларини «Ундай урдим, бундай урдим», деб мактаганларини эшитди. Йигит ҳайрат билан улардан сўради.

— Нега хотинларингизни урасиз? Ҳеч гуноҳи йўқ хотинни қандай уриб бўлади?

Дўстлари: — Дунёда бундан осон нарсаси йўқ. Уйга бир қадок қийма гўшт олиб келасан. Қиймали суюқ овқат тайёрлаб келса, бошқа овқатни ейишни хоҳламаман, дейсан, деб ақл ўргатибдилар.

Йигит эртасига кечқурун уйига келиб дастурхон олдиға ўтирди. Хотини қийма солиб тайёрланган шўрва олиб келди.

У хотинини жеркиб:

— Мен картошка билан қийма ейишни хоҳламайман, — деди.
— Қийма ҳам бор, — деди хотини.
— Мен ток баргига ўралган қийма хоҳлардим.

— У ҳам бор.

Хожасининг одатларини жуда яхши билган одобли хотин эри хуш кўрган барча нарсани қўлидан келганча ҳаракат қилиб тайёрлаган эди.

Йигит эртасига яна дўстлари олдиға чиқди. Улар дарҳол қизикиб сўрадилар: — Нима бўлди? Хотинингизни калтакладингми? Йигит бўлган воқеани айтган экан, дўстлари:

— Сен бахтли экансан, хотининг ақли, чакқон аёл экан, — дебдилар.

Моҳира КАРИМОВА тайёрлади.

Шаҳримиздаги Ногиронлар ҳунар-техника билим юртида «Савоб ишни ҳар бир киши ҳар кун қилиши керак» мавзусида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Айниқса, Ҳамза театри актёрларининг ташрифи меҳмонлар ва билим юрти талабаларига кўтаринчилик бахш этди. Бу ерда 1,2,3 гуруҳ ногиронлари, боқувчисиз бола-

Анжуманлар
УНУТИЛМАС
ПАҲЗАЛАР

лар ҳамда ногирон ота-оналарнинг фарзандлари 10 ой ичида ҳисобчи, пойабзал таъмирчиси, қотиба-машинистка, тикувчилик сингари ҳунарларни эгаллашади. «Файз-Ка-

фолот» фирмаси, «Эски Жўва бозори» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти, Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театри бир неча йиллардан бери уларда ҳомийлик қилиб келаяпти.

Байрамда бу ерда ҳу-

нар ўрганаётган талаба-

ларга ҳомийлар томонидан совғалар топширил-

ди.

Наргиза НАЗАРОВА.

Турфа олам

«ШАРҚИЙ ЭКСПРЕСС»-ДАГИ ҚОТИПЛИК

саргузашт қироличаси Агата Кристининг ушбу романи сюжети худди шу поёздда туғилганди

ҳаракат қилган.

«Шарқий экспресс»га бағишлаб Брюсселда очилган кўргазмада ана шу поёзд ҳақида қўлаб қизқарил маълумотлар билан танишиш мумкин. Дарҳақиқат, мазкур поёзд шинам вагонлардан иборат бўлиб, уларда барча шароитлар мўҳайб этилган. Чекадиган эркаклар учун, чекамайдиган леди ва жентельменлар учун алоҳида вагончалар қўзда тутилган. Ўзини Оврупо қиборлар оламинга мансуб деб билган ҳар бир шахс ана шу поёздга поа-

наган бу вагонларда бугунги турк давлатининг асосчиси Мустафо Камол Отатурк ва немис разведкасининг атоқли бошлиғи, фашистлар Германиясининг Туркиядаги элчиси фон Паппен, шведиялик дипломат Раул Валленберг ва машҳур раққоса Мата Хари ҳамда бошқа қўлаб маълум ва машҳур эотлар сафар қилишган. Инглиз адаби Грем Грин унга ўз романларидан бирини бағишлади. Алфред Хичкок суратга олган «Ғойиб бўлган аёл» фильмидаги асосий

қилган сафари унинг ёдида қолган. Агата Кристи турмуш ўртоғига ёзган мактубларидан бирини бу ҳақда батафсил ёзган эди. Уша сафар давомида кучли қор ёққанлиги сабаб бўлиб, поёзд бекатларда соатлаб тўхтаб туришга мажбур бўлганди. Романда ҳам худди шундай тасвирланган: поёзд Истанбулдан Лондонга кетаётган бўлади ва қор уюмлари ортида бир неча соатлаб қўлиб кетади.

«Шарқий экспресс»даги қотил-

лик» романи 1933 йилда босилиб чиқди. Бу пайтда поёзд «Симплон — Шарқий экспресс» деб аталарди. Гап шундаки, «Шарқий экспресс» тарихида XX асрнинг кўпгина драма-тик воқеалари ўз аксини топган. Биринчи жаҳон уруши бошланганидан сўнг у «Балкан Цуг» деб атала бошлади ва фақат Берлинни София ва Истанбул шаҳарлари, яъни Антанта давлатларига қарши жанг қилаётган мамлакатлар шаҳарлари билан боғлайдиган бўлди. Иккинчи жаҳон уруши даврида «Шарқий экспресс» асосан учинчи рейннинг казо-казолари-га хизмат қилди. Ундан Германиядан Туркияга бораётган гитлерчи ҳарбийлар ва амалдорлар, шунингдек Германия иттифоқчилари бўлган мамлакатларнинг вакиллари фойдаланишарди, ҳолос.

Уруш тугаган, у келтирган вайро-

наларни тиклаш ишларига катта

маблағлар сарфланиб, нихоят 1947

йилининг май ойида поёзд қатновни

яна йўлга қўйилди. «Шарқий эксп-

ресс» бора-бора, иш излаб Фарбий

Германияга отланган туркиялик му-

хожирлар қатнайдиغان оддий поё-

здга айланади. Ўзига тўқ одамлар

энди авиалайнерларни афзал кўра

бошлайдилар. 1977 йилнинг 19

майида поёзд сўнги марта йўлга

отланди. Бу пайтга келиб, уни эк-

сплуатация қилиш харажатлари бе-

ниҳоя ошиб кетган эди.

Бугунги кунда «Шарқий

экспресс» номи билан Париждан Бу-

дапешт ва Бухарестгача бўлган йў-

налишда поёзд қатнайди. Унинг но-

митина узининг донги кетган узок

ўтмишдошини эслатиб туради...

Мирзаали АКБАРОВ таржимаси.

• Мутопая

ДИЛ НАВОПАРИ

Шундай шоирлар бўладики, улар доим илҳом билан тиним бисмасдан ижод қиладилар, энг до- лзарб мавзуларда қалам тебратадилар. Лекин ўзлари камта- рона юрaveraдилар. Шукур Дадаш мана шундай камтар, меҳнаткаш қаламкаш- лар сирасига киради.

Шоирнинг «Тенгқурла- рим», «Бувимнинг эртак- лари», «Ун беш баҳодир қиссаси», «Қутлуг замин» шеърий тўпламлари алла- қачон ўз ўқувчиларини топган. Яқинда чоп этил- ган «Кўнгил нидоси» шеъ- рий мажмуаси эса Шукур Дадашнинг ўз ўқувчилари- га янги тухфасидир.

Тўламнинг бундай ном- ланиши бежиз эмас. Унга жам бўлган назмий мис- раларда Ватанга садоқат, ҳаётга муҳаббат, беғубор болалик ҳаётий манзара- лари нурли бўёқларда чи- зилган. Уларнинг барчаси- да яхшилик ва Ватан улуг- ланади.

Шукур Дадашнинг шеърлари ортиқча бежа- малардан холи. Соддаги- на, самимийгина сатрлар- дан иборат. Бунининг «Умр» деб номланган шеърини ўқиб билсак ҳам бўлади.

**Баҳор чоғи чиқарса
япроқ,
Куртак дея атар
эдилар.
Олуцадай гуллеса
кўпроқ,
Бу ёшликнинг рамзи,
дедилар.**

**Ёз келганда қарқара
бўлиб,
Булбулларга
бўлди ошён.
Кузда бағри ҳосилга
тўлиб,
Қувонтирди элни**

Назм

СИЗИНИНГ КАБИ, БИЗИНИНГ КАБИ

Жаҳонда йўқдир бепарво
сизнинг каби, сизнинг каби,
Вале йўқ ошиқи шайдо
бизнинг каби, бизнинг каби.

Қайда бордир ганжи дунё
сизнинг каби, сизнинг каби,
Севги дардига мубтало
бизнинг каби, бизнинг каби.

Хўсн ичра Юсуфи танҳо
сизнинг каби, сизнинг каби,
Борму дили қон Зулайхо
бизнинг каби, бизнинг каби.

Қилмам асло кайфу сафо
сизнинг каби, сизнинг каби,
Топилмас ёридан жудо
бизнинг каби, бизнинг каби.

Тилак бозорида подшо
сизнинг каби, сизнинг каби,
Борму талабгору гадо
бизнинг каби, бизнинг каби.

Хушбахт, очик чехра сиймо
сизнинг каби, сизнинг каби,
Ёкиб Заби бўлди адо
бизнинг каби, бизнинг каби.

ЁР ҚЕШИДИ-Ю...

Ёр кетди-ю қалбимда,
Ширин сўзлари қолди.
Гулбаргиде оташин Бўса излари қолди.
Севги отагоҳида, Ўртанурман,
Мажнунтол паноҳи- да, Айтган розлари қолди.

Мафтуниман бир умр,
Навраста шунқоримнинг,

Бахш этиб дилга хузур,
Қўшиқ, созлари қолди.

Юлдузли осмонимда,
Қалбим этган нурафшон.
Менга меҳр-ла боққан,
Қора кўзлари қолди.

Мафтун этган ёримнинг,
Висолига етарман, Умрим боғин
Безатган, Баҳор-ёзлари қолди.

ЎЛЗОРА

Ёрим, гулзора келгил,
Қалбим юз пори, келгил.
Мени қилмай оввора, Ҳар кун бир бора келгил.

Элга ошкора келгил, Миниб тулпора келгил.
Пешвоз чиқай йўлингга.
Буткул, бир бора келгил.

Боқиб еру осмона, Топиб бирор баҳона.
Айтиб дилкаш тарона,
Айлаб ишора, келгил.

Етгил бу гул зорига, Боқма боғлар норига.
Кетма, кетма нарига, Мен интизора келгил.

КЕЛГИЛ

Бахт қушини тутай мен,
Сендан вафо кутай мен.
Сенсиз зардоб ютай мен,
Айлаб наззора келгил.

Отинг жиловин туттум,
Ўзлимгини унуттум. Сен-ла орзулга еттум,
Айлаб бир чора келгил.

Тушда кўрдим юзингни,
Шояд кўрсам ўзингни,
Йўқлаб кел ёр, ўзимни

Ёр, бир қарора келгил.
Забихилло НУРУЛЛО.

Азиз қизлар, келгуси ҳаётингиз, турмуш ўртоғингиз, қайин бўйинларингиз қандай инсонлар бўлишини тасаввур қилиб, ширин ҳаёллар сургинисиз? Аслида орзуга мойилликни сақлаш буюқ доғишмандлик саналар экан.

Мақтаб ўқувчиси эдим. Урта акам уйланган, икки олам турмушга чиққан. Улардан бирортасининг оиласида салгина жанжал чиқса, ё дадам, ё онам тинчтардилар. Албатта, ҳар қандай оилада ҳам баъзан майда-чуйда гаплар, «ғиди-биди»лар бўлади. Опаларимдан бирортаси уйдаги нотинчликдан нолиб қолса, дадам ҳам, онам ҳам уларнинг ўзларини койирдилар. «Бунга аввало ўзинг сабабчисан. Эринг бир нараса дедими, сен бир гапдан қол. Бу билан обрўйинг тўкилиб қолмайди. Аксинча, турмушинг тинч бўлади. Икки қарра ўзингни тутсанг, учинчи марта эринг ҳам гапиршадан, сал нарасага жанжал чиқаришдан уялиб қолади. Эр битта гапирганда хотин иккита қилиб қайтариб турган оилада ҳеч қачон тотувлик бўлмайди».

Акаларимнинг оиласида майда-чуйда гап чиқиб қолса-чи? Унда улар бундай дердилар: «Оиланинг тинчлиги аввало сенга боғлиқ. Эрак деган сал оғирроқ бўлиши керак. Сал нарасага қизишиб, ҳовлиқавериш йигит кишига ярашмайди. Аёллар ўзи шундай, сал тажарроқ, юраги торроқ бўлади, оилам тинч бўлсин деган шундай пайда аёл кишининг кўнглини топиб, яхши гапирши керак».

Хуллас, бирон марта мен ота-онаминг куёвларига ёки келинларига қаттиқ гапирганларини эшитмаганман. Лекин, тўғриси, ўша пайтлари улардан ҳафа бўлганман. «Нима учун фақат менинг акаларим ёки опаларим айбдор бўлишди? Нима, улар шунчалар ёмонми?» Кейинчалик уларга, оилалик бўлганимда, ҳаётнинг мазмунига тушуниб, оқ-қорани танганимда ушунда улар жуда тўғри йил тутган эканликлари аниқланди. Турмушини қувончу ташвишларини кўрганамда уларнинг насихатларини кўп эслайдиган бўлдим.

Ҳозирги пайтда кўпгина ёш оилаларнинг арзишмаган сабаблар билан бу-

асабиийлашган, қардан қидиришни, қимдан сўрашни билмасдик. Йўқ, хайрият учинчи кўни ўзи кириб келди. Шундан бери унга совчилар ҳақида сўз очилган ҳам чўчиб қолдик».

Вақт топиб қиз билан гаплашдик. Бундай қилишнинг, асосан уйдан кетиб қолишининг сабабини сўрадим. Аввалига у айтмади, уялди. Аммо кўнглини топиб, илтимос қилганимдан кейин ёрилди:

Сиз баалоғат ёшпасаиз

ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ



тўғридек кўринган нарсалар, яхшилаб ўйлаб, мулоҳаза қилинса умуман нотўғри эканлиги аён бўлади. Афсуски, бўлгуси ҳаёт ҳақида орзу қилиш у ёқда турсин, ўйлашга ҳам уялданган ёки ноқўя ҳаёлларга бериладиган қизлар ҳам топилади.

Яқинда дугоналаримдан бири сингилсидан нолиб қолди: «Ундан совчи келса ҳам йўқ дейди, бундан келсам йўқ дейди. Билмадим бунга ким керак? Бир кўни уйга совчилар келувди. Тагли-тахтли, ўқимишли оила, қолаверса йигит ҳаммаизга ёқди. Қиз бола хўп дермида, уялдида, деб ота-онам розилик билдиришди. Сингилм эса аразлаб уйдан чиқиб кетди. Шу кўнлар ичида ота-онаминг ахволини бир тасаввур қилгин-а! Ҳамма

нимдан кейин ёрилди: «Уйдагилар мени турмушга узатиш ҳақида гап очилганда капалагим учиб қочгани жой тополмасдим. Бу ҳақида ўйлаш, гапирш ёки ҳаёл қилишни уят ҳисоблардим. Энди билсам, қаттиқ янглишган эканман. Лоақал турмуш ўртоғининг қандай инсон бўлиши ҳақида бирон марта ҳам ўйлаб кўрмабман. Энди эса мен истаган йигит чиқмаяпти. Ўзимга ёқмаганига қандай турмушга чиқаман?»

Совчилар зиёли йигитдан келишганини, оила аъзолари баъъман одамлар эканлиги айтганимда эса, «Тўғри, — деди у, — ота-онаси яхши одамлар, ўзи ўқимишли. Лекин биласизми, у оила қуришга тайёр эмас. Яъни, унда мустақиллик йўқ. Мана

институтни битирган, олий маълумотли, аммо ҳозиргача онасининг чизган чизигидан чиқмади. Тўғри, ота-онани ҳурмат қилиш, уларнинг гапига қўлоқ солиш лозим. Бироқ одамнинг ўз фикри, ўз дунёқараши ҳам бўлиши керак. Хусусан олий маълумотли мустақил йигит ўзининг мутақил фикрига, ҳаёт ҳақидаги тушунчасига эга бўлмаса, қандай қилиб оила бошқаради-ю, қандай рўзгор тебратди? Мен аниқ билман у бозордан тузукроқ рўзгор қилиб келишни ҳам эглай олмаса керак. Шунинг учун рози бўлмадим».

Мен қизга қарши бирон бир эътироз билдира олмадим. Чунки у ҳақ эди.

Дарҳақиқат, ҳамма ота-она ўғил ё қизини турмуш қуришга тайёрлаш ҳақида ўйлайдими, бош қотирадими? Ёки аксинча: «Ҳали ёш, бизнинг давримизда ўйнаб-қулиб олсин», деб фарзандларини кўка кўтардилар. Тўғри, ҳар бир ота-она фарзандини яхши қийинтириш, ўқитиш ҳаёлидан сира қўтариб қўймади. Лекин ўғил-қизларнинг оилавий тақдирини тўғрисида етарлича жон куйдиради, дея олмабман.

Вахолоки, болаларга турмушининг ҳар бир иқри-кирини ўргатиш лозим. Илоҳи борица уларни мустақилликка ўргатиш керак. Дугонамининг сингилси айтганидек, бозордан тузукроқ рўзгор қилиб кела олмайдиган йигит қандай қилиб оила қуради? Оилада эса бунга ўхшаган ва бундан кўра анча мураккаб муаммолар тўқилиб ётибди. Уларнинг ҳаммасини аввало оила бошлиғи — эрак тадбиркорлик билан ҳал этмоғи лозим.

Азиз сингилжонлар! Орзуга айб йўқ дейишди. Эзгу орзу-истаклар кишига қанот бағишлайди. Ҳаётда умидсизланмасдан руҳини тетик тутиб, кўнглига яхши ниятларни, орзу-истакларини жо қилинг.

Яратдиган ўзингизга меҳр-оқибатли, фаросатли, раҳм-шафқатли, сизни тушунгувчи ва севгувчи умр йўлдош тиланг. Амминизки, покиза ниятларингиз ижобат бўлиб, қалбингизга аламли армонлар йўламаган.

Маъмура РЎЗИЕВА.

«Оқ қалдирғочни кўрганмисиз, унинг нима учун оқ рангалигини биласизми? Бундай жониворни юз йилда ёки икки юз йилда бир марта кўриш мумкин. Уни кўрган одам барча касалликлардан шифо топади». Ушбу сатрлар таниқли бўлғор ёзувчиси Йордон Йовков қаламига мансуб. Баъзан оқ қалдирғочнинг борлигига ишонмайдиганлар топилиб қолади.

Аммо ҳақиқатан ҳам табиатда оқ қалдирғоч мавжуд, лекин у камдан-кам учрайди. Бу қуш патларида ранг берувчи пигмент туғма равишда йўқдир. Буни фан тилида албанизм деб аталади. Албанизм хос бўлган ҳар бир жонивор албиносдир. Албанизм икки хил — тўла ва қисман бўлади. Тўла албанизм ҳам умуртқасизларда ҳам учрайди. Баъзан у ирсий белги бўлиб, симқон ва қаламуш зотларини бир-биридан ажратишда қўлланилади. Совуқ қонли ҳайвонлар (тошбақа, қурбақа, илон, қалтақе-сак)да иссиқ қонлилар (қўшлар, балиқлар, сут эмизувчилар)га қараганда камроқ учрайди.

Одамлар орасида тўлиқ албанизм барча миллат ва элатларда бор. Демак, на ирқий, на иқлимий ўзгаришлар албанизмнинг юзага чиқишида маълум роль ўйнамади. Шимолий Америка негрлари Мексика ҳиндулари ва Сицилия ороли халқлари орасида албанизм нисбатан кам учрайди. Кишилар ўртасида тўла албанизм аҳтимоли 100 мингга бир ёки 200 мингга бир нисбатларда учрайди. Тўла албанизм кишиларнинг тери ва сочлари оқ, кўзлари пушти-қизил рангда бўлади. Бунинг сабаби кўздан айланб ўтадиган қоннинг акс шуъласи тушиши билан изоҳланади. Кўз пигменти яхши ривожланмаган бундай кишилар унчалик равшан кўрмайдилар. Уларнинг кўзлари ёруқ-қа ўта сизгир бўлгани учун кундуз кўнлари қовоқлари ярим ёпиқ ҳолда бўлади. Қоронғи тушиши билан уларнинг кўриши яхшиланади.

Албанизмнинг келиб чиқиш сабаблари ҳанузгача аниқланган эмас. Маълумки, қонларнинг тери ёки жундаги кўнгр рангининг мавжудлиги меланин деган пигментга боғлиқ. Меланин йўқлиги туфайли пай-

Ажойиботлар

АЛБИНОСЛАР — ОҚ ТУСЛИ ЖОНИВОРЛАР

до бўладиган албанизм тирозиназа пигментининг етишмаслиги сабабли рўй беради. Чунки бу фермент меланин пигменти ҳосил бўлишида иштирок этади. Албанизмнинг келиб чиқиши анчагина мураккаб. У кўпчига гаранглик, ақл-идрок пастигли каби хасталиклар пайдо бўлиши билан боғлиқ.

Яқинда Болгариянинг Белоградчина шаҳрида ғалати ҳаёт тарқалди. Шаҳар атрофидаги ҳайвонлар орасида албинослар бор экан. Болкон аҳолиси ҳаттоки оқ чумчуқ, оқ қийик, оқ бўғуни ҳам кўрган эканлар. Москвадаги Дарвин музейида албинос қўшлар: оқ қарға, оқ зағча, оқ қирғий ва сувсарини оқ жўжалари сақланади. Бундан бир неча йил муқаддам овчилар Приморьеда мутлак оқ рангдаги бўрини ушладилар. 1970 йили Москванинг Журавлёва майдонида одамлар чумчуқлар гуруҳи орасида оқ чумчуқни кўрганлар. Деҳли ва Токио ҳайвонот боғларида оқ йўлбарс ва оқ жирафа яшайди. Яна бир қизиқ мисол: 1967 йилнинг октябр ойида Экваториал Гвинея чангалзорларида оппоқ горилла топилган. У ҳозир ҳайвонот боғида сақланади. 1970 йили Қозғистоннинг Оқмулла шаҳрида яшовчи Фёдор Воронин қоп-қора бўрини отган.

Албинос жониворларни чапиштирганда генетик танлов натижасида оқ сичқон, оқ қаламуш, оқ қўён қабиларнинг турли-туман зотлар олинди. Бундай жониворлар ҳар хил дори-дармонларни синовдан ўтказишда жуда ҳам қўл келмоқда. Денгиз ва уммонларнинг теран жойларида яшовчи кўпчилик ҳайвонларда пигмент бўлмайди, уларнинг ҳужайралари шунчалик оппоқки, танаси деярли ялтироқ шаклда қуринади. Форларда яшовчи жониворлар ёруғликдан маҳрум бўлгани учун ҳам барча пигментларини йўқотган бўлишлари мумкин.

Лекин горда яшовчи баъзи бир жониворлар орасида пигментлилари ҳам бор экан. Масалан, ўргимчакларнинг баъзи турлари гордан ташқарида яшайдиган турдошларидан фарқ қилмайди. Ҳар балигини илгарилари рангсиз жонивор сифатида таърифлашарди, кейинчалик аниқланишича улар орасида пигментлилари ҳам бор экан. Сув ҳўтигининг гор шакли ҳақида ҳам худди шундай фикр айтиш мумкин. Улар орасида ҳам мутлак албинослар ва турли даражада пигментлилари бўлган.

Хулоса қилиб айтганда албанизмнинг келиб чиқиш сабаблари ҳанузгача аниқ эмас, чунки унинг ҳосил бўлиш жараёни жуда кўп омиллар иштироки билан белгиланади ва ота-онанинг бирида ирсий белги сифатида узоқ-узоқ йилларга сақланиб қолади.

Яҳё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори.

Табассум

АҚЛПИ БОЛА

Бир киши чинданми ёки ҳазиллашб хотинига дебди:

— Биласанми, боламиз жуда ақли бўлапти.

— Қандай қилиб?

— Болалик чоғида сенинг этагинга ўралашиб юрдим. Ҳозир эса менинг киссамга мўралапти.

ДАМ ОЛИШ КҮНИ

Отаси газеталарни ва рақлаб ўтирганда жажжи ўғли унга шундай савол берибди:

— Ада, Мақсуд ака «Станнинг боши жуда яхши ишлайди, — деди. Қани, кўрсатинг-чи, қандай ишлар экан?

— Биласанми, ўғлим, бугун дам олиш кўни. Бошим ҳам дам олапти, — дебди отаси.

ЯХШИ КЕНГАШ

Собитнинг ота-онаси ўзаро баҳслашган экан.

— Сен боланинг тар-

биясини буздинг, — дебди отаси.

— Мен уни уруша бошласам, болани ўз ёнинга қақриб, бошини силасан, эркалайсан!

Онаси ҳам бўш келмасдан дебди:

— Йўқ, сиз болани ёмон қиласиз! Мен бирор иш буюрсам, сиз уни қучоқлаб оласиз...

Собит уларнинг баҳсларига аралашиб дебди:

— Сизлардан иш чиқмади! Бирингиз ундай дейсиз, бирингиз бундай дейсиз. Мен ўзим сизларни тарбиялайман.

МАҚТАНЧОҚЛАР

Кўён юмронқозикни учратиб дебди:

— Сенинг номинг нима?

— Айикман, айик, — дебди юмронқозик.

— Ўзинг қимсан?

— Арслонман, — деб жавоб берибди кўён.

Баҳриддин ТУРҲУНОВ.

Саёҳат

ТААССУРОТЛАРИ БИР ОЛАМ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилиги маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Улуғбек номили истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташаббуси билан республикамиз вилоятларида таълим олаётган иқтидорли, аълочи талаба ва ўқувчиларни пойтахтга саёҳатга олиб келиш кўзда тутилган эди. Шунга кўра Наманган вилоятининг лицей ва мактабларидан бир гуруҳ ёшлар шахримизда бўлишди.

Улар дастлаб шахримизнинг диққатга сазовор бир неча жойларида бўлишди. Айниқса Олимпия шоншухрат музейида республикамизнинг кўзга кўринган таниқли шахматчиси Дмитрий Қаюмов билан бўлган учрашув ўқувчилар учун ажайиб туғфа бўлди. Шунингдек, ўқувчилар Низомий номи Тошкент Давлат педагогика институтида ҳам бўлишиб, бу ерда ўтаётган анжуманда иштирок этишди. Таниқли адиб ва профессорларнинг маърузаларини тингладилар. Улар ўз таассуротларини қуйидагича таърифлашди.

● **Дилмурод Валижонов, Наманган давлат университети қошидаги кичик университет лицейи талабаси:**

— Теурийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий номи Миллий боғ бизда жуда катта қизиқиш уйғотди. Айниқса бобоимиз Амир Темури хайкалини томоша қилаётиб кўнглимда беихтиёр фахр, гурурланиш туйғусини ҳис этдим. Таниқли шоиримиз Абдулла Орипов ва Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий маркази директори Ақил Саидовларнинг Конституциямиз ҳусусида билдирган фикрлари жуда ёқди.

● **Майрам Ҳамроқуллова, Норин туманидаги 8-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси:**

— Теурийлар тарихи Давлат музейи ва Олимпия шоншухрат музейининг қурилиш услуби, ундаги экспонатлар диққатимизни тортди. Шаҳар кўчаларининг кенг ва раволиги, бир-бирига ўхшамайдиган улкан қурилишлар ҳам Тошкент кўрғига кўрк қўяпти. Мен келгусида мактабни битиргач Тошкент Давлат университетида ўқшганим давом эттирмоқчиман.

Меҳмонларга Улуғбек номили истеъдодли ёшларни қўллаш Ўзбекистон жамғармаси томонидан эсдалик совғалари топширилди. Энди шахримизга навбатдаги вилоят ўқувчилари келиши кутилмоқда.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Алоқа иншоотларини таъмирлаш юзасидан режадаги профилактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан 1/1-Қорақаниш даҳасидаги 20-27-уйларда, Абдурахмонов, Спутник, Галаба, Чайка кўчаларида истиқомат қилувчи 48-АТС абонентларида 1997 йилнинг 20 декабригача вақтинча алоқа бўлмайди.

Тошкент шаҳар телефон тармоғи ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Азиз ҳамшахарларимиз
Ва пойтахтимиз
меҳмонлари қизқатишга!

ТОШКЕНТ

лаҳзали пуллик
лотереясида ўз омадингизни синаб
кўринг. Сизни ҳар
тўртинчи чиптада
100 сўмдан 100.000
сўмгача пул ютуқлари
кутмоқда!

Эйг омадди
ишқибозларимизга ёса
500.000 ва 1.000.000
сўмлик пул ютуқлари
мунтазирдир!

1000 сўмгача бўлган пул ютуқлари лотерея чипталари сотилаётган жойнинг ўзида тарқатувчилар томонидан ўтланади.

5000 сўмлик ва ундан ортиқ пул ютуқларини олиш учун эса Ўзбекистон Халқ банкнинг Тошкент шаҳридаги несталган бўлимаварига мурожаат қилишингиз мумкин.

«Ширмойпаз» нон ишлаб чиқариш очик турдаги ҳиссдорлик жамияти жамоаси «Ешлик» талабалар шахматчасининг ҳокими А. М. Ақромжўзаевга волидаи муҳтарамаси

МАРҲАМАТХОН ХОЖИ ОНАНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«Ширмойпаз» нон ишлаб чиқариш очик турдаги ҳиссдорлик жамияти жамоаси жамият бошқаруви раисининг ўринбосари Б. С. Исроиловага асоси

Жамолддин ИСРОИЛОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Гуруч қурмасиз бўлмайди», деганларидек шундай кишилар ҳам учраб турадики, улар Республикамыздан олиб кетилиши тақиқланган товармоддий бойликлар ва хорижий давлат валютасини ноқонуний йўллар билан олиб чиқишга, айрим ҳолларда эса бошқа давлатлардан олиб келинаётган товарларни божхона назоратидан яширин равишда, уни четлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришга уринмоқдалар.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси ходимлари томонидан бундай ҳолатларни аниқлаш ва олдини олиш борасида бир қатор амалий чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Биз қўлида фақат шу йилнинг ноябрь ойида аниқланган ҳолатларнинг айримлари ҳақида тўхталиб ўтмоқ-

Божхона

ҚИҲҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

чимиз.

● 1997 йил 7 ноябрь кўни Тошкент шаҳар Божхона ходимлари томонидан «Чукурсой» темир йўл бекати яқинида умумий қиймати 5555000 Россия рублига тенг бўлган автомобиль эҳтиёт қисмларини божхона назоратига тақдим қилмай, «Тошкент — Москва» поездидан тушириб олиб кетишга уринган Ўзбекистон фуқароси бўлмиш А. М. исмли шахс тўхтатиб қолинди.

● Шу кўни юқоридаги бекатда

умумий қиймати 5756000 Россия рублига тенг бўлган автомобиль эҳтиёт қисмларини божхона назоратига тақдим қилмай олиб кетишга уринган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Х. О. исмли шахснинг ноқонуний фаолиятига чек қўйилди.

● 7 ноябрь кўни айнан шу жойда 25327000 Россия рубли қийматидаги дори-дармонларни божхона назоратига тақдим қилмай жуфтаникни ростламоқчи бўлган ҳамюртимиз С.Р. исмли аёл ҳам «тезкор» сафарини божхона манзилга буришга мажбур бўлди. Юқоридаги ҳолатлар бўйича бирламчи суриштирув ишлари олиб боришмоқда.

«Саёқ юрсанг, таёқ ейсан» дейди доно халқимиз. Қонундан четга чиқиб иш юритишга уринган кишилар мавжуд қонунлар олдида жавоб берадилар.

Қамолддин УМАРОВ,
Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси нозири.

АВТОБУС ИЧИДАГИ УЎҒИРПИК

Юнусобод туманида истиқомат қилувчи Раҳмонли эрта тонгдан ишга бориш учун автобус бекатида транспорт воситасини қўтиб ўтирганди. Тез орада 51-йўналишда қатнайдиган автобус ҳам келиб тўхтади. Автобус ошиғи очилиб у кўпчилик қатори ичкарига киришга зўрға улуғурди. Йўл чиптасини олиш учун чўнтагига қўл солган эса ҳайратдан қон қотди — пул йўқ эди. Ён-атрофга қараганда нарироқда турган милиция ходимига қўзи тушди ва «Менга ёрдам беринг. Шу автобусда бор пулларимни ўғирлашди», дея мурожаат қилди. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси кўриқлаш бошқармаси ходими зудлик билан чўнтақе-сарни ушлаш чораларини кўриб, ўқрини қўлга туширди. Раҳмонлига эса пуллари қайтарилди.

ТЕКИН ТЕШИБ ЧИҚДИ

Икки номаълум шахс қоровул йўқлигидан фойдаланиб Юнусобод туманида жойлашган қўшма корхона оймаврга ўғирликка тушиб 68 донга сирланган тунука, 30 қоп цемент, 39 квадрат метр резина ичкани «гум-

истиқомат қилувчи хориждан таҳсил олгани келган талабанинг уйига кеч кирганда икки шахс «биз милицияданми» дея бостириб киришди. Уй эгасини дўқ-пулпаса билан қўрқитиб, ундан 500 АҚШ доллари беришини талаб қилишди. Доллар топилмагач, унинг 150 сўм пулини

«О2»

дон» қилишди. Милиция ходимларининг тезкор ҳаракатлари натижасида уларнинг шахси аниқланиб қўлга олинди, ўғирланган қўриқлаш моллари ўз эгаларига қайтарилди. Энди ўғирлар қўлимишларига яраша жазоларини оладилар.

НОПОК ҲАМТОВОҚЛАР

Яккасарой туманидаги хонадонларнинг бирида

ва «Ориентех» русумли соатини, талабалик билетини олиб жуфтаникни ростлашди.

Бу икки ҳамтовоқнинг қилимиши узоққа бормади. Яккасарой тумани милиция ходимлари ўз вақтида амалга оширган савй-ҳаракатлар натижасида ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан тап тортмаган бу икки зўравоннинг шахси аниқланиб, зудлик билан қўлга олинди. Ҳозир улар устидан тергов ҳаракатлари кетмоқда.

МЕҲНАТСИЗ РОҲАТ БЎЛМАЙДИ

Ақмал Икромов туманида жойлашган «Фарҳод» бозорида Маҳмуд исмли шахс 3600000 Россия рублини Чилонзор туманида истиқомат қилувчи Ақром исмли шах